Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

8-йил чиқиши.
17 июль 1973 й.
СЕШАНБА
№ 165 (2161).
БАҲОСИ 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Меҳнатни шарафлаб

Яқинда Киров номли маданият ва истироҳат боғида, Фрунзе, Сергели, Ленин районлари меҳнаткашлари иштирокида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги олдидан, «Меҳнатни шарафлаймиз» шиори остида тантанали кеча бўлиб ўтди.

Кечада Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Т. Акимова Тошкент тўқимачилик фабрикасининг тўқувчиси Е. Губина ва 1-ип-газлама фабрикасининг тикувчиси Вера Солдатовалар сўзга чиқдилар. 1973 йил иккинчи квартал планини муддатидан илгари бажарган Тошкент тўқимачилик комбинати коллективига ҳамда Сергели районининг 1-тикувчилик фабрикасига кўчма Қизил байроқлар топширилди.

Шунингдек, тўқкизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида ҳар қачонгидан кўра самарали меҳнат қилаётган коммунистик қурилишнинг илғор вакилларидан бир группаси турли хил мукофотлар, меҳнат гувоҳномалари ва Фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Ҳ. ТОЖИМАТОВ.

Коммунист Василий Слинько экскаватор заводи йиғув-механика цехининг моҳир новатор ишчиларидан бири. 18 йилдан бери корхонада баракали меҳнат қилиб анчагина ёшларга токарлик касбини ўргатган бу етакчи ишчи шу кунларда 1975 йилнинг апрель ойи топшириқларини бажараётир.

СУРАТДА: В. Слинько.

М. Нуриддинов фотолари.

Машинасозлар — қишлоққа

ПАХТАКОРЛАРГА МАШИНАЛАР

«Ташхимсельмаш» заводи республика пахтакорларига ажойиб совға жўнатди. Топшириққа қўшимча суратда йил бошидан буён пландан ташқари «ОВХ—14» маркали юзта пуркагич машина тайёрланди.

«Ташхимсельмаш» заводининг СССР Халқ хўжалик ютуқлари виставкаси олтин медали билан тақдирланган пуркагич машиналари тезда пахтакорларга манзур бўлди.

Тошкент областининг Юқори Чирчиқ районя далаларида бу агрегатлар республикада биринчи марта пайдо бўлди. Бу ерда ўтган йил мавсумида 20 минг гектардан кўпроқ пахтазор шу машиналар ёрдамида дориланди.

Усимликлар ердан туриб дориланганлиги заҳарли химикатларнинг таъсирини оширди, уларни сарфлаш кесими равишда камайди. Ердан туриб дефолиация қилиш усули раёя хўжаликларига 150 минг сўмдан кўпроқ маблағни тежаб қолиш имконини берди.

Республика деҳқонлари заводга мурожаат қилиб, ана шундай машиналарни вақтида етказиб беришни кўпайтиришни илтимос қилдилар. Корхона коллективи ўз зиммасига оширилган план қабул қилди. Коллектив шу йил Ўзбекистон деҳқонларига пландан ташқари 300 пуркагич машина етказиб беради. Бу машиналарнинг дастлабки қисми ҳозирдаёқ қишлоқларга жўнатилди. «Ташхимсельмаш» заводининг коллективи гўзани ёппасига дефолиация қила бошлаш олдидан пахтакорларга сўнгги — пландан ташқари уч юзинчи агрегатни жўнатишга аҳд қилдилар.

(ЎзТАГ).

Рўзғор холодильниклари заводи коллективи ўртасида тўқкизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари шараф билан бажариш ташаббуси кун сайин кенг қулоч ёзмоқда. Ана шундай ташаббусга қўшилган кўпгина ишчилар мунтазам равишда смена ва ойлик топшириқларини ортиги билан бажармоқдалар.

СУРАТДА: пешқадам ишчилардан бирининг слесарь Лидия Хўжаева.

Конкурсга мароҳамат

Республиканинг савдо-саноат палатаси Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига бағишланган эсдаликлар, совғалар ва эсдаликларнинг энг яхши намуналарини яратиш учун республика конкурсини эълон қилди. Конкурс 1974 йил 1 январгача давом этади.

Конкурсни ўтказувчи ташкилот комитети тузилди. Комитет составига турли министрлик ва идораларнинг раҳбарлари, рассомлар кирди. Конкурсда корхоналар ва ижодий ташкилотларнинг мутахассислари, қўли гул кишилар ва бутун-бутун коллективлар иштирок этиши мумкин. Улар ўз ишлари учун ҳар қандай материаллардан — металл, пластмасса, тош, суяк, ёғоч, сопол, газлама, қоғоз, чарм-тери қўндан фойдаланишлари мумкин.

Конкурс голиблари пул билан мукофотланадилар.

(ЎзТАГ).

МЕҲНАТ СЕМЕСТРИ АВЖИДА

Янгийўл районидаги Усмон Юсупов номли аграр-саноат бирлашмаси ишчилари деярли ҳар йили ўзлари етиштирган сабзавот маҳсулотлари ва меваларни шаҳарликлар дастурхонига армуғон этиб келмоқдалар.

Тошкент политехникуми студентлари ҳозир ана шу ерда сабзавот маҳсулотлари ва меваларни йиғиб-териб олишда қатнашмоқдалар. Студентлар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа йўлга қўйилган. Шу сабабли иш унуми деярли ҳар куни нормадагидан юқори бўлмоқда.

Кеча

техникумнинг 60 студенти «Колос» массивига жўнаб кетди. Бу ерда улар турли объектлар қурилишида иштирок этадилар.

Республика бўйлаб

Ишга тушиш арафасида

Тўқкизинчи беш йилликнинг зарбдор қурилишларидан бири—Қўқон хром тери заводи қурилишида ҳал қилувчи кунлар етиб келди. Хом ашёни дастлабки қайта ишлаш ишлаб чиқариш комплексини фойдаланишга топширишга тайёргарлик бошланди.

Янги комплекс корпусида пардозлаш ишлари якунланди. Дезинфекция камералари, иссиқлик пункти ва сув юбориш иншоотлари синаб кўришга тахт қилиб қўйилди. Б. Юсов ва В. Костин бошлиқ электрчилар коллективи иккинчи подстанцияда автоматика уснуналарини монтаж қилишни муддатидан икки кун олдин тугаллади. Заводнинг бош корпусида Чехословакиядан келтирилган учта қуритиш камераси ва еттита пресс пойдеворда ўз ўринларини эгаллашди.

Қурилишнинг айрим участкаларида ишлар икки сменада олиб борилмоқда. 15-трестнинг иккинчи қурилиш-монтаж бошқармасидан Идрис Чердакчи бошлиқ комплекс бригада бу ерда фидокорона меҳнат қилмоқда. Қуртемир Салимов ва Мустафо Илёсов бошлиқ бригадаларнинг аъзолари ҳам улардан орқада қолмаётир. Улар смена топшириқларини кунига 120—130 процент бажармоқдалар.

Енгил саноат янги гигантини фойдаланишга топширишга унинг бўлажак хўжайинлари ҳам ҳозирлик кўришмоқда. Корхона дирекцияси ишчиларнинг катта группасини зарур касбларни ўрганиш учун Самарқанд кўн заводига юборди.

Қурувчилар ва монтажчилар ўз мажбуриятларини шараф билан бажариш учун барча куч-ғайратларини сарфламоқдалар. Улар заводни муддатидан қарийб икки ой олдин Улуғ Октябрнинг 56 йиллиги арафасида ишга туширишга ҳаракат қилмоқдалар. Завод йилига 190 миллион квадрат дециметр хром товар ишлаб чиқаради. Бу — ҳозир Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган хромга қарийб тенг келади.

Б. ТАТАРИНОВ.

ЎзТАГ мухбири.
Қўқон шаҳри.

Хушхабарлар

ҚЎҚОН. Қўқондаги «Большевик» газ аппаратлари заводида монтаж қилинган рентгенотелевизион установка «Луч» деб аталади. «Ҳамма ёқни кўрадиган» кўз ёрдами билан бир неча секунд мобайнида пайванд чоклари сифатини текшириб чиқиш, кўриш қийин бўлган нуқсонларини топиш мумкин. Синов юз процент пухта чиқиши ҳам гарантияланади. Янги установкада икки оператор ишлайди. Ҳозир корхонада яна бир «Луч»ни монтаж қилишга тайёрлашмоқда. Шундай установкани жорий этишдан йилига 50 минг сўмдан зиёд пул тежаш мумкин.

* * *

УРГАНЧ. Бу ердаги бинокорлик материаллари заводида ғиштни вагонеткаларга автомат тарзда тахловчи автомат машина жорий этилди. Ҳозирча бу иш қўлда бажарилмоқда. Янги агрегат ҳар сменада 17 минг ғиштни тахлаб бериши мумкин. Шу йил заводда учта шундай автомат жорий этиш мўлжалланмоқда. Улар операцияда қўл меҳнатига тамомила барҳам беради ва тўхтовсиз маҳсулот ишлаб чиқаришга имкон яратади.

(ЎзТАГ).

Асаларичилик совхози ташкил этилди

УРГАНЧ. Область асаларичилик базасида янгидан ташкил этилган Хоразм ихтисослаштирилган совхози асалари уларининг дастлабки туркумини харидорларга жўнатди. Совхоз коллективи сўнгги йилларда сермаҳсул зотли асаларининг 2000 га яқин оиласини яратди. Қанотли заҳматкашлар Амударё тўқайларини хуш нўриб қолди. Тўқайларда асалга бой гулларнинг юздан ортиқ қимматли тури ўсади.

Янги совхоз Хоразм ва Туркманистоннинг Тошовуз областлари, Қорақалпоғистон АССР хўжаликлари учун зотли асалари етказиб берувчи йирик хўжалик бўлиб қолади ҳамда бу ерларда шу соҳани ривожлантиришга ёрдам беради. Урганч яқинида асаларичилар шаҳарчаси қурилмоқда.

(ЎзТАГ).

Қурилиш майдонларида

254 ОИЛА ҚУВОНЧИ

«Марказ-1-А» кварталида яна бир улкан бино қад ростлади. Бу йирик темир-бетон панелдан қурилган тўқкиз қаватли бинода яқинда 54 оила уй тўйларини ўтказади. Ҳозирча эса, «Главташкентстрой» 159-қурилиш трестининг 10-қурилиш бошқармаси қураётган бу бинода Пардозлаш трестининг сайқалчилари иш олиб бормоқда.

Шунингдек, кварталда Чирчиқ шаҳридаги 160-қурилиш трести 126-кўчма механизациялашган колоннасининг Александр Скалин бошлиқ монтажчилар бригадаси тўқкиз қаватли 200 квартирали турар жой биносида темирбетон панелларни монтаж қилишни тугаллади. Бу бинода ҳам шу кунларда пардозлаш ишлари қизғин давом этмоқда. Ҳар икки бино ҳал қилувчи йилнинг охирига қадар фойдаланишга топширилади.

И. ШОИНОҒОМОВ.

СТУДЕНТЛАР САРОЙИ

Тошкент Давлат университети тарих факультети студентлари университет ёнида қурилаётган уч қаватли студентлар саройи қурилишида иштирок этмоқдалар.

Бу ерда қилинаётган ишлар ҳақида отряд командири Аҳмаджон Жовлиев шундай деди:

— Студентлар уюшқоқлик билан меҳнат қилишмоқда. Кеча улар 36 метр жойга бетон ётқизишди. Г. Қодирова, Т. Юсупов, Р. Асомова, И. Виксельман, С. Гитлина каби ёшлар ўз нормаларини ошириб адо этмоқдалар.

Студентлар саройини муддатидан олдин фойдаланишга топширишда қурувчи-студентлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Г. САИДМАЛИКОВ.

ДЎСТОНА АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Кеча

Ўзбекистон Ёзувчилар Союзининг мажлислар залида Тошкент жамоатчилиги вакилларининг Мўғулистон, Халқ революциясининг 52 йиллигига ва Совет-Мўғул дўстлиги жамиятининг (СМДЖ) Ўзбекистон бўлими ташкил этилишига бағишланган тантанали йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Мўғулистон Халқ Республикаси маориф министри Ўртоқ Ишцэрэн бошчилигидаги СМДЖ делегацияси иштирок этди.

— Мўғул халқи шу кунларда ижоли саноати ишларини, — деди йиғилишни очаётириб шаҳар партия комитетининг секретари В. Барабаш, — республикамизда айни шу кунларда совет-мўғул дўстлиги жамиятининг бўлими ташкил этилганлиги диққатга сазовордир. Яна шуниси қувончлики, бу санани биз мамлакатимизда совет-мўғул дўстлиги декадаси ўтаётган кунларда нишонламоқдамиз. Бу тантанада қатнашиш учун ўртоқ Ишцэрэн бошчилигидаги мўғул тинчлик ва дўстлик жамиятлари Федерацияси ва СМДЖ делегацияси меҳмон бўлиб келди.

Тантанали йиғилишда СМДЖ Ўзбекистон бўлимининг раиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг директори, фалсафа фанлари доктори Э. Ю. Юсупов нутқ сўзлади. У ўз сўзида Ўзбекистон ва Мўғулистон халқлари ўртасидаги дўстлик алоқалари тобора кенгайиб бораётганлигини таъкидлаб ўтди. Мўғулистонда Ўзбекистон ССР маданияти ва Ўзбекистонда МХР кунларининг бўлиб ўтганлиги Совет-Мўғул дўстлиги ойлиги бунинг ёрқин далилидир. Шуниси қувончлики, республикамизда тайёрланган машиналар, хилма-хил аппаратуралар, хом-ашёлар мўғул дўстларимизга маъқул бўляпти. Республикамиз қишлоқ хўжалиги ходимлари ҳам бу дўстона алоқаларни кучайтиришга ўз улушларини қўшяптилар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари, барча совет халқлари қатори, Мўғулистон халқ республикасининг турли соҳаларда эришаётган ютуқларини қизиқиш билан кузатиб боряптилар. Улар бу ютуқларнинг социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари қудратини янада оширишга, халқ фаровонлигини таъминлашга ёрдам беришини яхши тушунадилар.

Иккинчи пойафзал фабрикасининг ишчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Б. Князева, Тил ва адабиёт институтининг директори Ш. Шоабдураҳмонов, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти президиумининг раиси Ҳ. С. Шукурова ва Мўғулистон делегациясининг бошлиғи Ўртоқ Ишцэрэнлар ана шу ҳақда гапирдилар.

Йиғилиш қатнашчилари Совет-Мўғул дўстлиги жамиятининг Марказий Совети президиумига табрик телеграммаси йўлладилар.

Тонгги газеталарда

● Совет - Вьетнам қўшма ахбороти эълон қилинган. Жумладан баёнотда бундай дейилади: «Томонлар комил ишонч билан айтадиларки, ВДР партия-ҳукумат делегациясининг Совет Иттифоқига қилган визити ва музокараларнинг якунлари КПСС билан ВМП, СССР билан ВДР ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришда янги муҳим босқич бўлади».

● Кеча Кремлда СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди. Мажлисда Н. В. Подгорний раислик қилди. Президиум саккизинчи чақириқ СССР Олий Советининг 17 июлда очиладиган сессиясининг кун тартиби ва иш тартибига алоқадор масалаларни кўриб чиқиб, шу масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди. Президиум ўз таклифларини Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советига топширди.

● МОНГОЛИЯ Халқ Республикаси маориф министри Д. Ишцэрэн бошчилигидаги тинчлик ва дўстлик Монголия ташкилотлари федерацияси ҳамда Монголия—Совет дўстлиги жамияти делегацияси республикамиз бўйлаб сафар қилмоқда.

Тошкент—мамлакатга

ДЎСТЛАР ДАСТУРХОНИГА

Совет Иттифоқининг бир қатор шаҳарлари меҳнаткашлари Ўзбекистон далаларида етиштирилган ноз-неъматлардан баҳраманд бўляптилар. «Ўзбекбирлашув» системасига қарашли ташкилотлар юзлаб адресларга ҳар куни маҳсулотлар жўнатиб турибди.

Қардошларимизга сабзавот ва мева-чевалар юбориш бўйича олти ойлик буюртма ошириб бажарилди. Москва шаҳрига 3278 тонна карам етказиб берилди. РСФСР меҳнаткашлари эса 43227 тонна карам, 15362 тонна помидор олдилар. Бундан ташқари, бу ўлкага 10 минг тоннадан зиёд ўрик, олма, олча, гилос, жўнатилди.

Бу маҳсулотларни ўз вақтида жўнатиш бўйича Тошкент, Сирдарё, Бухоро, Фарғона, Андижон, Наманган, Сурхондарё, Самарқанд, Қашқадарё ва бошқа областларнинг колхоз ва совхозлари деҳқонлари ҳиммат кўрсатмоқдалар.

«Ўзбекбирлашув» тайёрлов бош бошқармасининг бош бухгалтери Р. К. Раҳимов бундай деди.

— Қардошларимизни тотли мева-чевалар билан хушнуд этиш ишлари яхши боряпти. Биз турли шаҳарлардан мамнунлик хабарларини олиб турибмиз. Мамлакатнинг Приморье, Узоқ Шарқ ўлкалари, Владивосток, Сахалин меҳнаткашлари нинг дастурхони ҳам Ўзбекистон неъматлари билан тўкин бўляпти.

Пишиқчилик мавсумида дўстларга юборилган маҳсулотлар 75 минг тоннадан ошиб кетди. Йил охиригача бир неча ўн минг тонна сабзавот ва мевалар юборилади.

Н. ҲОЛИҚОВ.

● Сўнмас у кунлар шуҳрати

Қаҳрамон номи билан

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Россия Федерациясининг Орёл области Зелегошинск райони Собир Раҳимов райони ижроия комитетининг тавсияларини инобатга олиб, Собир Раҳимов районидаги Г-55 кўчасига (А. Саркисов кўчасидан Дадабоев кўчасигача) Мансур Шамсуддиновнинг номини беришни қарор қилди.

Мамлакатимиз Улуғ Ватан уруши бошланганида Тошкент қишлоқ хўжалик техникуми ўқитувчиси Вали ака Шамсуддинов ўғлининг катта ўғли Мухторни фронтга кузатиб қўйди. Ҳаётга эндигина қадам қўйган ёш йигит Ленинград остоналаридаги машаққатли жанглардан бирида қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Шундан кейин, ўқитувчи никичи ўғли Мансурни ҳам Ватан мудофаасига сафарбар қилди. У ҳам фронтдан қайтмади. Жангчининг оиласи узоқ йиллар давомида ўз фарзандининг тақдири ҳақида бирорта маълумот билмади. Ёш натопарлар ўзбек жангчисининг ҳалок бўлганлигига доир маълумотларни тонишга киришдилар.

Орёл областини немис-фашист босқинчиларидан озод қилишда Зелегошинск районида 26 жангчидан иборат группа алоҳида намуна кўрсатди. Улар душман билан олишувда қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар ва қардошлик қабристонига дафн этилдилар.

Лекин қаҳрамонларнинг номи ҳамон номаълумлигича қолаверди.

Ёш натопарлар ана шу жангчилар орасида Мансур Шамсуддинов борлигини аниқлашга муваффақ бўлдилар.

Зелегошинск районининг меҳнаткашлари ўзбек халқининг садоқатли фарзанди хотирасини ҳурмат билан эсга олмоқдалар. Ўзбек йигити ўз Ватанининг озодлиги, мустақиллиги йўлида, матонат кўрсатиб ҳалок бўлди.

БОЛГАРИЯ. Тоғли Родоп районининг хотин-қизлари ўзларининг миллий кийимларида. Уларнинг либоси бежирим ишлиги ва чиройлилиги билан ажралиб туради. Дид билан тикилган нимчалар, моҳир рассомлар яратган бош кийимлари аёлларга натта қувонч бағишлайди.

Центральфото — ТАСС фотоси.

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ — АСОСИЙ МАСАЛА

«Ўзбексельмаш» заводида бўлиб ўтган назарий конференция «Меҳнат унумдорлигини бутун чоралар билан ошириш— туб иқтисодий вазифа» деган мавзуга бағишланди. Докладчилар — бўлимларнинг раҳбарлари ва мутахассислар ўз нутқларини тўқкизинчи беш йилликда корхона олдида турган вазифалар билан маҳкам боғладилар.

Конференцияда ишлаб чиқилган тавсиялар машинасозларга меҳнат унумдорлигини ошириш, тўқкизинчи беш йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш юзасидан олинган мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун ёрдам беради.

(ЎзТАГ).

Об-ҳаво

БУГУН ТОШКЕНТДА ҲАВО ОЧИҚ БЎЛАДИ. ЕҒИН-ЧИҚИН ЭСАДИ. ҲАРОРАТ 40-42 ДАРАЖАГА ЕТАДИ.

Муддатидан олдин

Пойтахт районлари ичида биринчи бўлиб Собир Раҳимов районида белгиланган объектларни капитал ремонтдан чиқариш ярим йиллик планни 175 процент қилиб адо этган эди.

Ўтган олти ой ичида район қурилиш ташкилотлари Тошкент медицина институтининг республика шифохонаси, ётоқхона, политехникум биноларини муддатидан олдин капитал ремонтдан чиқарди. Шунингдек, чинни заводи биноси, агрегат заводи клубида қурилиш ишлари 200 процентга етказиб бажарилди.

6-қурилиш, «Жилстрой» трестлари, «Узкоопстроймонтаж» республика трести коллективи ўз зиммаларидаги ярим йиллик мажбуриятларини шараф билан бажардилар.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

▲ ПАРИЖ. Москва билан Париж ўртасида тўппа-тўғри ҳаво йўли очилган кунга яқинда 15 йил тўлади. Бошида бу линияда ҳафтада атиги икки марта рейс ўтказилар эди. Ўтган йиллар мобайнида Совет Иттифоқи билан Франция ўртасида дўстона ва амалий алоқалар мустаҳкамланганлиги ҳамкорлигининг намунасидир.

«Аэрофлот»нинг Париждаги ваколатхонаси ҳозир Москва билан Париж ўртасида самолётлар ҳар куни учиб, йилига ўн минглаб пассажирларни ташимоқда. «Аэрофлот»нинг, Франциядаги фаолияти — совет-француз амалий ҳамкорлигининг намунасидир.

«Аэрофлот»нинг Париждаги ваколатхонаси пассажирлар ва юк ташиш бўйича совет авиакомпанияси чет эл ваколатхоналари ўртасида биринчи ўринларда бирини эгаллайди. «Аэрофлот» ваколатхонасининг Франция авиакомпаниялари билан, аввало «Эр-франс» компанияси билан ҳамкорлиги муваффақиятли равишда ривожланиб бормоқда.

▲ ТЕҲРОН. Тез орада мамлакатнинг янги маъмурий бўлиниш лойиҳаси Эрон ҳукуматининг муҳокамасига қўйилди.

Ишлаб чиқилган лойиҳага мувофиқ янги ўнта вилоят тузиш кўзда тутилмоқда. Вилоятлар саноат ҳозирги вақтда мавжуд 14 ўрнига 24 тага етказилади.

Бўлғусн маъмурий ислоҳот, деб таъкидлайди «Кейхан интернэшнл» газетаси, мамлакатнинг қолоқ районларига ҳукумат томонидан бевосита маблағлар ажратиш ва шу ҳисобга бу районларнинг иқтисодий жиҳатдан ўсишини тезлаштириш йўли билан янада тераз ривожланишини таъминламоғи лозим.

ВЕНА. Австрияда 1970 йилнинг февралидан 1973 йилнинг февралигача квартира ҳақи 20 процент ошган. «Ди прессе» газетасининг шу ҳақда хабар беради.

БЕШ ЙИЛЛИК: ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ЙИЛ — МЕҲНАТ ВАХТАСИ

КАМ МАБЛАҒ САРФЛАБ, КЎПЛАБ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРАЙЛИК!

Беш йиллик маррани кўзлаб

Қурилиш материаллари комбинати пойтахтимизнинг Фрунзе районидаги пешқадам корхоналардан бири ҳисобланади. Тўқизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилини зарбдор меҳнат билан бошлаган комбинат коллективи янги дан-янги меҳнат ғалабаларини қўлга киритишяпти. Ўтган даврда 150 минг квадрат метрдан ортиқ қоплаш ва бино пештоқларини безашда ишлатиладиган плиталар ишлаб чиқилиб қурилиш объектларига жўнатилди.

Кам маблағ сарфлаган ҳолда кўплаб сифатли қурилиш материаллари етказиб бериш учун қизғин курашаётган коллектив маҳсулотининг янги турларини ўзлаштиришга ҳам алоҳида эътибор бераяпти. Бу ерда керамикадан халқ истеъмоли буюмларини ишлаб чиқарувчи участкасининг фойдаланишга топширилгани ана шундай хайрли ишлардан бири бўлди. Ҳозирги вақтда участка меҳнаткашларининг тайёрлаб бераётган гулдон, кўзача, сут идиш ва шунга ўхшаш буюмлари харидоргирлиги билан кўпчиликнинг эътиборини қозонмоқда.

— Ҳал қилувчи йил охиригача,— дейди истеъмол буюмлари цехининг бошлиғи Л. Евсеева, — маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг қариб уч баравар ортиши мўлжалланмоқда. Бошқача қилиб айтганда, 75 минг сўмликка яқин маиший сўмликка яқин маиший рўзғор моллари ишлаб чиқарилади.

Комбинатда оғир ишжараёнларини механизация зиммасига юклашга ҳам муҳим ишлардан бири деб қараляпмоқда. Қоплаш ишларида фойдаланиладиган плиталар тайёрланадиган иккинчи поток линияда монтаж ишлари ниҳоясига етиш арафасида турибди. Меҳнат унумдорлиги оширишка қаратилган тадбирларнинг амалга оширилиши шу йиллнинг ўзидаёқ маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш юзасидан белгиланган беш йиллик маррани эгаллашга имкон беради.

«Ҳал қилувчи йил программасини муддатидан бир ҳафта илгари бажарамиз, планга қўшимча 61 минг сўмлик безаш плиталаримиз билан миқозларимизни ҳушнуд этамиз». Ана шундай шиор асосида меҳнат қилаётган ишчилар Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида фаол қатнашаётир. Шахсий меҳнат беллашувида тобловчилар Р. Сандхонов, С. Фокин, М. Зокиров, сараловчи А. Ахмедова, И. Аширметова, К. Матросовлар ўз ҳамкасбларига намуна бўлишмоқда. Улар кунлик топшириқларни бир ярим бараварга етказиб адо этаяптилар.

К. ҲАМРОЕВ.

Тажриба пилланашлик фабрикасининг коллективи корхонанинг ёш зарбдор ўровчиси Мавлуда Мусаева номини ҳурмат билан тилга олади. Ёш ишчиларнинг вакили бўлган Мавлуда Мусаева корхонага комсомол йўлланмаси билан келган. Қисқа фурсатда у тажрибали ишчилар ёрдами туфайли ипак толаларини ўраш ва уни қайта ишлашни моҳирлик билан эгаллади. Мунтазам равишда ўз топшириқларини ортиғи билан сифатли адо этаётган бу ёш ишчи Собир Раҳимов район Советининг депутати ҳамдир.

СУРАТДА: М. Мусаева.

Имкониятлар ишга солинмоқда

Республика аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигининг «Узавтотехобслужи в ание» Бош бошқармасига қарашли Қўйлиқдаги 1-техника хизмати кўрсатиш станциясининг ташкил топганига 7 йилдан ошди. Бу станция ишга тушган дастлабки ойларда камқувват бўлиб, ойига 2 минг сўмлик «техника-хизмати кўрсата оларди, холос. Станция ходимларининг ғайратшижоати туфайли иш ҳажми, сифати ойдан-ойга ошиб борди. Кўпгина ишларни бажаришда прогрессив методлар қўлланилди. Станция билан мижозлар ўртасидаги алоқа яхшиланди. Шунинг учун ҳам айни вақтда техника хизмати кўрсатиш станциясининг ишлаб чиқариш ҳажмининг қариб уч баравар ортиши мўлжалланмоқда. Станцияни кенгайтириш, унинг қувватини ошириш эҳтиёжи туғилди. Ана шу мақсадда капитал қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Республика аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги лойиҳалаш ташкилотида ишлаб чиқилган ва «Главташкентстрой»га қарашли 1-уйсозлик комбинатининг конструкторлик бюросида йирик панеллар билан барпо этишга мослаштирилган лойиҳа бўйича станцияда маъмурий бино, ремонт устахонаси, қозонхона ва бошқа ёрдамчи биноларқурилади.

Станция қурилишига 1-уйсозлик комбинатига қарашли 2-қурилиш бошқармаси бош пудратчи этиб тайинланган. Мазкур объектда 200 минг сўмликка яқин қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиши лозим. Айни вақтда барча корпусларда монтаж ишлари олиб борилмоқда. Бу ишларни 1-уйсозлик комбинатига қарашли 3-монтаж бошқармасининг монтажчилари бажаришяпти. «Строймеханизация» трести 3-механизация бошқармасининг В. Петров, Р. Маъруповсингари кранчилари монтажчиларнинг мушкулини осон этишмоқда. Бинокорлар станция қурилишини тез ва соз тугаллаш, ремонтчиларнинг кенг ва қулай устахоналарда меҳнат қилишларига шароит яратиб бериш мақсадида барча имкониятларни ишга солмоқдалар.

С. САЙДАЛИЕВ.

ОЛМАОТА—ТОШКЕНТГА

Ўзаро ёрдам

Балхаш яқинидаги кондан қазиб олинадиган мармарда денгиз тўлқинлари акс этган. Ундан Олмаота қурилишларида кенг қўлланилади. Бу маҳсулот Тошкентдаги тошни қайта ишловчи комбинат мутахассисларига ҳам маъқул бўлди. Уларнинг илтимосига биноан «Казмирамир» комбинати Тошкентга 300 кубометр пардоз учун ишлатиладиган мармар юборади.

Ўз навбатида тошкентликлар ҳам Олмаотадаги тошни қайта ишлайдиган завод коллективи илтимосини қабул қилдилар— жуда чиройли бўлган ғозон мармаридан 60 кубометр юборишдилар. Мана шу тошдан тайёрланган минг квадрат метрга яқин аъло сифатли плиталар Қозоғистон пойтахтидаги янги аэровокзал биносини қуришда ишлатилди.

Олмаоталик ва тошкентлик тошни қайта ишловчилар ўз корхоналари ўртасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш ниятидалар.

Автовокзал лойиҳалаштириляпти

Тошкентда эндиликда янги автовокзал қурилиши мўлжалланаяпти. Унинг лойиҳаси Қозоғистон автомобиль транспорти илмий—тадқиқот ва лойиҳалаш институти томонидан тайёрланган.

Бу мамлакатимиздаги автоматлаштирилган диспетчерлик хизмати бўлган, ишлаб чиқаришда телевиденнедан кенг фойдаланиладиган йирик автовокзаллардан бири бўлади. Ҳар соатда автовокзал 61 автобусни қабул қилиб олади ва жўнатади. Автовокзалнинг катта зали бир пайтнинг ўзида 2200 йўловчини қабул қила олади. Бу ерда маиший хизмат кўрсатишнинг кенг тармоғи — ресторан, кафе, бар, сартарошхона, юк сақланадиган омбор, дам олиш хонаси, меҳмонхона бўлади.

Олмаоталик лойиҳачилар Тошкент иқлими иссиқлигини ҳам унутмадилар, Автовокзал мўтадил ҳаво ишлаб чиқарадиган ва уни барча заллар ва хоналарга узатадиган ўз фабрикасига эга бўлади.

* * *

Тошкентдаги 1-ун комбинатида элеватор хўжалигини реконструкция қилиш жадал суръатлар билан амалга оширилаяпти. Олмаотадаги «Средазпромзернопроезд» институти томонидан яратилган лойиҳа элеватор ҳажмини 16 минг тоннага кенгайтиришни кўзда тутади. Лойиҳада ҳавони чангдан тозалаш учун махсус автоматик ускуна ўрнатиш ҳам кўзда тутилган.

Олмаота институти мутахассислари бундан ташқари тайёрлаш ва озуқа-ем саноати министрлиги корхоналари учун мутахассислар тайёрлайдиган ҳунар-техника билим юртини лойиҳалаштириш устида ҳам ишлаяпти. Тошкентда қурилади-ган бу билим юрти 800 ўқувчига мўлжалланган. Апрель ойи давомида тошкентлик қурувчилар бу объектнинг ишчи чертёжларини олишади.

Институтда Тошкентдаги 2-ун комбинатининг омухта-ем заводини реконструкциялаш лойиҳасини тайёрлашга киришилди. Реконструкциялашдан сўнг бу корхонанинг қуввати бир суткада 50 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

А. ВДОВИН.

Шаҳримиздаги 7-босмахона полиграфчилари тўқизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш борасида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Мана бу фотолавҳада корхонанинг зарбдор полиграфчиларидан Екатерина Анисимова билан Толиб Боймуродов ўртоқларни кўриб турибсиз. Улар ҳозирги пайтда сентябрь ойи ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

М. Нурмдинов фотолари.

◆ *Ташвишли сигнал*

МУҲИМ ВАЗИФА

Шаҳримизнинг йирик массивларидаги коммунал уй-жойларни иссиқлик энергияси ва иссиқ сув билан таъмин этиш миқёси тобора ортмоқда. Жумладан, шаҳримизнинг жанубий-шарқида бунёд этилиб, кундан-кунга жамол очаётган «Қўйлиқ» даҳасида ҳам йирик иссиқлик қуввати ишлаб чиқара оладиган қозон қурилмасини йиғиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Бундай тезкорликнинг асосий сабаби 1973—74 йилларда ишга мавсумга умумий қуввати 100 гикакалорияга тенг бўлган иккита қозон қурилмасини ишга туширишдир, массивнинг иссиқлик қувватига бўлган талабини тўла қондиришдир.

Шундай экан, қурилиш ишлари қандай олиб борилмоқда? Қурилиш ишларини олиб бораётган «Узбекгидроэнергострой» трестига қарашли «Ташспецстрой» махсус ишлар бошқармаси, механизациялашган ишлар бошқармаси, «Средазэнергохимзащита» махсус бошқармаси, «Электросибмонтаж» бошқармаси, «Средазэнергомонтаж» ва «Средазэнергомонтажизоляция» бошқармалари азаматлари астойдил меҳнат қилмоқдалар. Қурилиш-монтаж ишлари бошлангандан буён ўтган вақт ичида 672 минг сўмлик иш бажарилди. Шу йилнинг ўтган ойлари ичида 294 минг сўмлик иш бажарилган бўлса, ҳам бу ердаги умумий аҳвол кўнгилдагидек эмас. Қурилиш-монтаж ишларини олиб бораётган бошқармаларнинг тасдиқланган иш графигидан орқада қолиши, қилиниши лозим бўлган ишлар кечикиб бажарилаётгани қайд қилинмоқда. Ташқи инженерлик коммуникация ишлари 2 ойга, сувни химик йўл билан тозалаб берувчи корпусни монтаж қилиш ишлари бир ойга, шу корпусда монорельсни монтаж қилиш ишлари бир ярим ойга, очиқ ерда қурилаётган электр подстанцияси металл конструкцияларини монтаж қилиш ишлари бир ойга кечикаётгани сўзимизнинг далили бўла олади. Қурилаётган район қозонхонаси территориясида ажратиб олиш ишлари бажарилмаганлиги, келаётган ускуналарни сақлашни ва олиб борилаётган қурилиш ишларини оғир аҳволга солиб қўймоқда.

Юқорида кўрсатилган сабаблар район қозонхоналарининг тез суръатлар билан қурилишига тўсқинлик қилиб, ўз вақтида ишга туширилмаслиққа сабаб бўлади. Бундай аҳволга зудлик билан барҳам бериш лозимлиги ҳақида юқоридаги бошқармалар раҳбарларига бир неча бор кўрсатмалар берилди. Шунга қарамай, бу аҳвол ҳанузгача давом этиб келмоқда.

Ёзнинг айни шу кунларида пудратчи корхона азаматлари йўл қўйилган барча камчиликларга барҳам бериб, графикдан ўзиб ишлаб, қозонхонанинг асосий ва ёрдамчи ускуналари қурилиши ишларини ўз вақтида бажаришади деган умиддамиз.

Қўйлиқ массивидаги қозонхона қурилиши ишларини ўз вақтида бажаришдек муҳим вазифа бош пудратчи трест «Узбекгидроэнергострой» ва унинг ёрдамчи пудратчи ташкилотлари раҳбарлари, партия ташкилотлари ва барча қурувчиларнинг муқаддас бурчлари бўлмоғи лозим.

З.РУСТАМОВ, инженер.

Ю. ШЕЙМАН.

БИР ЙИЛДА—117 МИЛЛИОН ДОНА

Ўзбекистон қоғоз буюмлари комбинатининг дафтар цехи 1951 йил ташкил этилган. У корхонадаги энг илғор цехлардан бири ҳисобланади. Дастлаб, бу ерда жуда кам миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарилар эди. Эндиликда, йилига 7 миллион дона дафтар ишлаб чиқарилмоқда.

Шуниндек, қўл меҳнатини талаб қиладиган ишлар механизация зиммасига юклатилмоқда. Маҳсулот турлари ҳам кўпайди. Чизмачилик учун альбомлар, қалин дафтарлар ҳам шу цехда тайёрланади.

Кейинчалик, цех учун янги ишлаб чиқариш корпуси бунёд этилади. У фойдаланишга топширилгач, йилига 117 миллион дона маҳсулот тайёрлаш имконияти туғилади.

Ўзтаг хабарлари

Сут ГОСТ бўйича қабул қилинмоқда

1 июлдан бошлаб Тошкент ва Сирдарё областларининг чорвачилик колхоз ва совхозлари республикада биринчи бўлиб сутни давлатга стандарт бўйича сотишга ўтишди. Топшириладиган маҳсулот ҳақи энди сифатга қараб белгиланмоқда. Бунда илгаригидек сутнинг сермойлигидан ташқари унинг кислоталилиги ва тозалиги ҳам эътиборга олинмоқда. Шу муносабат билан маҳсулот тозалигига тўланадиган ҳақ ошади. Илгари сут фермада бир мартагина сизиларди. Энди бўлса, уч марта сизилмоқда: соғиш, қабул қилиб олиш ва заводга жўнатиш пайтларида сизилмоқда. Фермаларга тозаловчи, совитувчи установкалар ва бошқа хил ускуналар ўрнатилмоқда. Беш йиллик охирига бориб, республиканинг ҳамма хўжаликлари сутни ГОСТ бўйича янгича топшириш формасига ўтади.

Янги ГОСТ жорий этилиши муносабати билан колхоз ва совхоз сутпомар фермалари ходимларининг санитария ҳолати, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш борасидаги масъулияти ошади.

Старт олдидан

Наманган область Уйчи районидаги «Узсельхозтехника» бирлашмаси комсомоллари яхши ташаббус бошлашди. Улар ғалла ўрадиган «СК—4» маркали бешта комбайнни маккажўхори ўришга мослаб ускуналадилар ва комсомол—ёшларнинг механизациялашган кўчма отряднни тузишдилар. Отряд «Дала малиқаси»ни 18—20 кунда ўриб-йиғиб олишга аҳд қилди.

Ўзбекистон комсомол Марказий Комитети Уйчи маккажўхорикорларининг ташаббусини маъқуллади. Ҳозир уларнинг ташаббуси республиканинг қариб ҳамма районларига ёйилди. «Олтин сўта» ўрим-йиғими бошлангунча «Узсельхозтехника» район бирлашмалари ҳузурида комсомол – ёшларнинг механизациялашган юзга отряди тузилади. Улар республиканинг 320 минг тонна дон берамиз, деб сўз берган 1250 маккажўхорикор комсомол – ёшлар бригадаларидаги ҳосилни ўриб-йиғишга ёрдам бераднлар.

(ЎзТАГ).

Ишлаб чиқариш шифохоналарининг кўриги

Ўзбекистоннинг санаторий — профилакторияларида ҳар йили қариб 25 минг меҳнаткаш ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўз сиҳат-саломатлигини яхшиламоқда. Шу шифохоналарнинг республикада бошланган кўриги профилакторийлар н и н г фаолиятини янада яхшилашга қаратилган. Узбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига бағишланган бу кўрик 1974 йилнинг июлигача давом этади.

Ҳамма жойда касаба союз активи, медиклар, профилакторийлар ходимлари вакилларидан иборат кўрик комиссиялари тузилмоқда. Уларнинг вазифаси кўрик шартларининг бажарилишига эришишдан иборат. Кўрик шартлари ишчи ва хизматчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш, даволашнинг энг янги методларини жорий этиш, парҳез таомлар билан даволашни ҳамда меҳнаткашларнинг маданий дам олишини такомиллаштириш, янги профилакторийлар қурилишини тезлаштиришга қаратилгандир.

Ёз гашти

ГЎЗАЛ ОРОМГОҲДА

«Буревестник» пионерлар лагери деб ёзиб қўйилган катта дарвозадан ичкари киришимиз билан озода кийинган, бўйинларида қизил галстук товланиб турган навбатчи пионерлар лагерь ичкарисига бошлашди.

Музика тўғараги аъзоларининг сўлим боғ узра тараталаётган енгил, шўх куйлари майин эсаётган шабада билан ҳамоҳанг бўлиб, кишини мафтун этади.

Лагерь бошлиғи Анвар Утешев билан бахтиёр болаларнинг гўзал оромгоҳда қандай дам олаётганлигини томоша қилиб юрибмиз.

— «Буревестник»да, —деб сўз бошлади Анвар Ибрагимович,—биринчи сменада 450 бола ҳордик чиқарди. Лагеримизда болаларнинг мароқли дам олишлари учун барча қулайликлар мавжуд. Кутубхона, сув ҳавзаси, спорт майдончаси — ҳаммаси улар ихтиёрида.

Лагерда В. И. Ленинг музейи бор. Музейда доҳиймизнинг Разлив кўли бўйидаги ҳаётини акс эттирувчи манзара эътиборимизни тортди. Оқ қайинлар билан ўралган бурчакда Ленин яшаган чайла макети, гулхан ёнида ўтириб нималарнидир ёзаётган Ленин тасвири акс эттирилган. Биз Ҳусан Ғозиев, Карим Эгамбердиев каби пионерлардан лагерда қандай дам олишаётганини сўрадик. Улар мароқли дам олаётганликларини, бу ерда ҳар бир дақиқа кўнгилли ўтаётганини айтишди.

Сўлим боғ ва корпусларни айланиб чиқдик. Лагерда 11 та отряд ташкил этилган. Ҳар бир отряд ўз шийпончасига, турли газета ва журналларга, ўз отряд қўшиғига эга. 2, 3, 4, 5-отрядларнинг «Романтик», «Интер» «Айболит», «Қизил Елканлар» деворий газеталари диққатга сазовордир.

Лагерь бош пионервожатиси Мастура Нўлдошева бизни пештоқига «Буревестник» моҳир қўллари — 73» деб ёзилган хонага бошлади. Хонада турли тўғаракларнинг моҳир қўл чеварлари томонидан ишланган ҳар хил буюмлар кўргазмаси ташкил қилинган. Мана бу столда Женя Очипев раҳбарлик қилаётган авиамоделчилар тўғарагининг аъзолари томонидан ясалган самолёт, вертолётлар, «Восток», «Восход» космик кемаларининг макетини кўришингиз мумкин. «Лагерь ҳаётидан лавҳалар» деб номланган бу фотостендни ҳамма қизиқиб билан томоша қилади. Чевар қизлар томонидан тикилган чиройли нафис кашталар хонани безаб турибди.

Лагерда ҳаёт қайнайди. «Дўстлик» карнавали, «Нептун куни» каби байрамларни ўтказиш одат тусига кирган.

Диққат, диққат! «Буревестник» лагерининг радиоузелидан гапирамиз! Бадиий ҳаваскорлик тўғараги аъзолари ижросида куй ва қўшиқлар тингланг! — лагерь узра радио тўғарагининг ёш диктори Ирина Катковнинг овози янграйди.

Лагеримизда кўп йиллардан бери радио тўғараги муваффақиятли ишламоқда. Унга 50 дан ортиқ пионер ва ўқувчилар аъзо, — дейди бош пионервожатий.

Пионерлар хонаси ёнидаги 6-отряд шийпончасида ўтказиладиган «Эртаклар куни» конкурсига қизғин тайёргарлик кўриляпти. Бу конкурсга тайёрланишда Содиқов раҳбарлик қилаётган «Ёш рассомлар» тўғараги ҳамда Аҳмаджонов раҳбарлигидаги бадиий ҳаваскорлик тўғараги яқиндан ёрдам беришмоқда.

Лагерь пионерлари А. Набиев номидаги шаҳар пионерлар уйи, «Восток», «Старт» пионер лагерлари билан дўстлик алоқалари боғлашган, улар ўзаро дўстлик кечалари, учрашувлари ташкил қилиб турадилар. Лагерда спорт ишлари яхши йўлга қўйилган. Биринчи мавсумда бўлиб ўтган лагерлараро спорт мусобақаларида «Буревестник» спортчилари шаҳар бўйича 2-ўринни эгалладилар. Ёш спортчилар навбатдаги спорт мусобақасига тайёргарлик кўришмоқда.

Лагерда «Биз — ватанпарвар, интернационалистлар и м и з!» деб аталадиган катта кеча Берлинда ўтказиладиган Х жаҳон ёшлари ва студентлари фестивалига бағишланади.

«Буревестник» пионерлар лагерининг коллективи болаларни кўнгилдагидек дам олишлари учун ибратли ишлар қилмоқдалар.

Лагерда болаларнинг соғ-саломат дам олишлари учун санитария-гигиена, медицина хизматлари яхши йўлга қўйилган. Тажрибали тарбиячи педагоглардан Е. Эйстрина, Г. Холдорова Т. Гариналар яхши хизматлари учун фахрий ёрлиқ билан мукофотландилар.

Бахтиёр болалик гаштини сураётган ёш ўғил ва қизларимиз меҳрибон тарбиячилар қўлида, оромгоҳ ва боғ қучоғида яйраб дам олиб, янги ўқув йилига куч-қувват тўпламоқдалар.

Барно СОАТОВА.

◎ *Газетхон танқид қилади*

Қандоқ қарашаркин?

Светлана кўчасидаги «Семейная» ошхонасига кирган киши ҳайрон бўлиб қолади. Ошхонада «Ичимлик ичиш мумкин эмас», деб ёзиб қўйилганлигига қарамай, баъзи бир хўрандалар бемалол ўтириб олиб, истеъмол қилавердилар. Ичимлик шишасини ошхона кассирига кўрсатганимизда гуноҳ менда эмас дегандек бош чайқаб қўяди. Ичкилиқбозлик натижасида ошхонада кўнгилсиз ҳодисалар бўляпти.

Уз вақтида овқатлана олмаётган ишчилар бу ҳолдан ранжияптилар. Ошхона директори Б. А. Сатторов: «Одамлар магазинлардан чўнтакларига арақ солиб олиб кирадилар, уларнинг қайси бирини ушлаб, қайси бирини тақиқлайсан, дейди бепарволик билан елка қисиб.

Модомики, ошхоналарда ичимлик ичиш қатъий тақиқланган экан, бу ерда ҳамма амал қилиши лозим эмасми ахир?! Ўртоқ Сатторов эса бунга лоқайд, бепарво қараётир. Район ошхоналар трестидаги ўртоқлар бунга нима дейишар экан?

Ҳ. РИЗАЕВ,
Д. ҲАҚНАЗАРОВ.

Ёз кунлари хушманзара жойларда сайр қилиш болаларга завқ бағишлайди. Шаҳримиздаги 94-болалар боғчасининг тарбиячиси И. Соатова ўз группасидаги болаларни доим ана шундай сайр эттиради.

Р. Эминов фотоси.

КИРРИЗИСТОНДА НАШР ЭТИЛДИ

ФРУНЗЕ. «Қирғизистон» нашриёти КПСС Марказий Комитетининг Бош Секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқлари ва мақолаларининг учинчи томини «Ленин йўлидан» номи билан бугун босмадан чиқарди.

Тўпламга Ўртоқ Л. И. Брежневнинг 1970—72 йилларга тааллуқли докладлари ва нутқлари киритилган.

(ТАСС).

⊙ *Тошкент сўлим ва кўркам бўлсин*

Асаббузар кўча

Кўчанинг яхши-ёмони ҳам киши асабига таъсир қилар экан. Бордию кўчангиз асфальтланган бўлиб, электр нурлари порлаб турса, кўнглингиз ҳам нур каби ёришиб, дилингиз равшан, кайфиятингиз ҳам чоғ бўларкан.

Аксинча, кўчангиз ўйдим-чуқур, бунинг устига қоронғу зимистон бўлса, кўнглингизни электр нурида ҳам ёрита олмас экансиз.

Мен тилга олаётган кўча, бир неча йил муқаддам «Қизил Шарқ» кўчасининг 4-проезди деб юритиларди.

Ҳозирги кунда «Қизил Шарқ» кўчасининг 4-тупиги деб юритилади.

1966 йилда Тошкент халқа йўли қурилиши муносабати билан, «Қизил Шарқ» кўчасига кўприк ва ер ости йўли қурилиб, кўчамизнинг бир боши машина ўта олмайдиган бўлиб бекилиб қолди. Тупикда 30 га яқин хонадон истиқомат қилади. Шу вақтга қадар кўчага асфальт ётқизиш у ёқда турсин, тош ҳам ётқизилмаган.

Тупикда истиқомат қилувчи пенсионер оталар халқа йўл қурилиши раҳбарларига тупикка асфальт ётқизиб беришларини илтимос қилиб, бир неча бор мурожаат қилдилар. Бироқ, кўчамиз шундайлигича қолиб кетди. Шундан сўнг, қариялар ишни ниҳоясига етказиш мақсадида, бир неча маротаба Тошкент шаҳар ободонлаштириш бошқармасига мурожаат қилишди. Афсуски, ҳеч ўзгариш бўлмади. Шу кунларда кўчанинг ҳолига вой. Кўча ўрнида ўйдим-чуқурлару, тизза бўйи тупроқ тепалар. Енингиздан машина ўтса борми, боплаб устингизни чангга белаб кетади. Қиш палласида эса, афт-башарангизни одам танимас даражага келтириб қўйиши ҳеч гап эмас. Ҳозирги кунда собиқ Луначарское посёлкасининг энг чекка кўчаларига асфальт ётқизилаётган бир пайтда, Луначарское шоссесидан 40—50 метр масофада бўлган тупикнинг бундай аҳволда қолишига нима деса бўлади?

С. МУМИНОВ.

Меҳр билан

Ҳар йили пойтахтимиз меҳнаткашлари хиёбонларни, кўча бўйларини, ўз иш жойларини территорияларини кўкламзорлашт и р и ш учун кўкламда мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экадилар.

Енисейский, 2-Сариқўл, Т. Шевченко, Ново-Полторацкий кўчаларига экилган ниҳолларнинг таглари юмшатилиб, ҳар куни сув қуйилмоқда. Натижада, бу кўчалар яшил либосга бурканяпти.

Еш ниҳолларни парвариш қилишда Ленин район ободончилик бошқармасининг Ольга Зокирова, Ойша Худойберганова бошлиқ бригадалари аҳли ҳиммат кўрсатмоқда. А. Йўлдошева, Ҳ. Юнусова, С. Нурова, Ҳ. Обидова, Иноғомжонов, Тўхтаганов каби ишчилар ўз участкаларидаги ҳар туп ниҳолга меҳр билан қарамоқдалар.

И. РУСТАМОВ.



Марказий В. И. Ленин музейи. Тошкент филиалига келаётган томошабинлар музей қошида янги ташкил этилган совет космонавтикаси бўлими экспонатларини катта қизиқиш билан томоша қиладилар. Бу ерда фазога учиб донг чиқарган совет космик кемаларининг ажойиб моделлари қўйилган; кишида катта таассурот қолдирувчи стенд ва фотолар совет космонавтларининг ажойиб қаҳрамонликлари ҳақида ҳикоя қилади.

СУРАТДА: музейнинг космонавти ка бўлимида.

М. Нуриддинов фотоси.

Бутун дунёда тинчлик манфаатлари йўлида

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Америка Қўшма Штатларига қилган визити яқунларини барча яхши ниятли кишилар қизғин маъқулламоқдалар. «Бутун дунёда тинчлик манфаатлари йўлида» номли тўла метражли рангли ҳужжатли фильм мана шу муҳим тарихий воқеага бағишланган. Бу фильм Москвадаги саккизинчи халқаро кинофестивалнинг тантанали очилиш маросимида Кремлдаги съездлар саройида биринчи марта намойиш қилинди.

Янги картина Леонид Ильич Брежневнинг АҚШга қилган визитини, халқаро кескинликни камайтириш, тинчлик ва ҳамкорлик ишига шахсан қўшган ҳиссасининг катта халқаро аҳамиятга эга эканлигини равшан ва ишонарли тарзда кўрсатиб беради.

Фильмда Л. И. Брежневнинг АҚШ Президенти билан музокаралари ва суҳбатлари давлат арбоблари, сиёсий арбоблар билан, мамлакат савдо-саноат доираларининг ва жамоатчиликнинг вакиллари билан учрашувларн кўрсатилган. Совет Иттифоқидан борган меҳмонни Қўшма Штатларнинг гражданлари самимий ва шодиёна кутиб олганликларига бағишланган кинокадрлар томошабинда катта таассурот қолдиради.

Томошабинлар «Ядро урушининг олдини олиш тўғрисидаги битим», «Стратегик ҳужум қуролларини янада чеклаш тўғрисидаги музокараларнинг асосий принциплари», Совет—Америка қўшма ахборотининг ва ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш учун янги қулай истиқболлар очиб берган бошқа ҳужжатларни имзолаш маросимини экранда томоша қилдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг АҚШга қилган визити тўғрисидаги кино-ҳикоя КПСС XXIV съезди қабул қилган тинчлик программасининг буюк ҳаётий кучга эга эканлигини, миллионмиллион кишилар кизғин қўллаб-қувватлаётган Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташқи сиёсати таъсирчан эканлигини яққол ва ишонарли тарзда намойиш қилади.

«Бутун дунёда тинчлик манфаатлари йўлида» номли картина Ҳужжатли фильмлар марказий студияси томонидан яратилган. Картина авторлари —оператор В. Киселев, А. Истомин, И. Филатов, режиссёр И. Сеткина монтаж қилган.

(ТАСС).

Повесть ҳақида тадқиқот

„АДАБИЕТШУНОСЛИК ва адабий танқидчиликда чуқур текширилиши, илмий жиҳатдан асосланиши лозим бўлган масалалар қаторига адабий жанрларни ҳам киритиш мумкин. Тўғри, бу масала жуда қадим замонлардан бери ўрганилиб келинмоқда, унга бағишланган кўплаб асарлар ҳам яратилган. Лекин адабий жанрлар борасида бир-бирига қарамақарши фикрлар, чалкашликлар, мунозаралар ҳамон давом этмоқда. Буларни бартараф этмоқ учун адабиётнинг ҳар бир тури ва жанрининг келиб чиқиши, ривожланиши, намол топишини, ўзига хос табиатини, ўхшаш ва ноўхшаш хусусиятларини алоҳида-алоҳида тадқиқ этиш лозим.

Агар филология фанлари кандидати А. Аброровнинг «Ўзбек повести»* номли монографиясига шу нуқтаи назардан ёндошилса, унинг керакли ва қимматлилиги ўз-ўзидан маълум бўлади.

«Ўзбек повести»— назарий ва тарихий планда ёзилган илмий асар. Унда повесть жанрининг ўзига хос хусусиятлари, бошқа жанрлардан фарқлари ва унинг ўзбек адабиётида келиб чиқиши, шаклланиш жараёни текширилади.

Повесть прозанинг бошқа жанрларига қараганда анча мураккаб жанрдир. У ҳикоя ва роман жанрлари ўртасида туради. Унинг табиатида ҳикоя ва романга хос кўпгина хусусиятлар мавжуд. Шунинг учун ҳам, ҳикоя билан повесть, повесть билан роман ўртасидаги чегарани аниқлаш қоғат мушкул. Адабиётшунослик ва адабий танқидчиликда айрим ҳикояларни повесть, повестларни роман деб юритилиши, повестнинг ўзига хос хусусиятларини тушунтириш ҳар хил мунозараларнинг келиб чиқиш сабаби ҳам ана шундан бўлса керак.

Монографиянинг қимматли томонларидан бири шундаки, унда «ҳар бир бадиий асарнинг жанр хусусиятини аниқлашда унинг ички мазмунидан келиб чиқмоқ лозим», деб тўғри таъкидланади ва шу принцип асосида повесть жанри табиатини очишга, унинг ҳикоя ҳамда романдан ажратиб турувчи белгиларини кўрсатишга ҳаракат қилинган.

Китобнинг «Жанрнинг туғилиши ва шаклланиши» номли бобида адабиётимизда повесть жанрининг туғилиши ва шаклланишида роль ўйнаган факторлар: давр талаби, янги воқелик, классик адабиёт (айниқса, ундаги прозаик асарлар), халқ оғзаки ижоди (достонлар, катта ҳажмли эртаклар), рус адабиётининг таъсири ҳақида атрофлича фикр юритилади. Муаллиф шу тариқа ўзбек совет адабиётида повесть жанри қоқ-нуруқ майдонда, ўз-ўзидан пайдо бўлмаганлигини ишонарли исботлайди.

А. Аброровнинг кузатишича, ўзбек прозасида биринчи бўлиб, ўз асари номи остига «повесть» терминини А. Пўлат ва И. Муслимлар («Зафар нишони»— 1932 йил) ёзишган. Шу фактга асосланиб, ўзбек адабиётида повесть жанри 1932 йилда пайдо бўлган, унинг асосчилари А. Пўлат ва И. Муслимлар экан-да, деган хулосага келиш мумкинми? «Ўзбек повести»да бу саволга «Йўқ», деб жавоб берилади ва нима учунлиги асосланади. Маълумки, Ҳ. Ҳ. Ниёзий инқилобгача бир неча проза асарлар ҳам яратган. А. Аброров кўзлаган мақсади асосида Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг «Янги саодат — миллий роман» (1915 йил) асарига кенгроқ тўхталади. Адабиётшуносликда бу асарнинг жанри ҳамон ҳар хил белгиланиб келинмоқда. Баъзи адабиётшунослар асарнинг номланиши («миллий роман»)га асосланиб, уни роман жанрига киритишсалар, баъзилари повесть, қисса дейдилар.

А. Аброров инқилобгача бўлган ўзбек ҳалқининг аянчли ҳаёти акс этган «Янги саодат»нинг ички ҳажми (воқеа салмоғи), сюжет йўналиши, композицияси, конфликти, қаҳрамонлари каби жиҳатларини тадқиқ этиб у ўзбек адабиётида «повесть» жанрининг туғилишидаги дастлабки босқич , «повесть жанрининг дастлабки намунаси», деган хулосага келади.

Ўзбек совет адабиётининг 20. йилларда повесть жанрида асарлар яратилган ёки яратилмаганлиги масаласи ҳам шу кунгача мунозарали эди. Шу йилларда яратилган С. Айнийнинг «Бухоро жаллодларининг ўзаро суҳбатлари», «Одина», «Қулбобо ёки икки озод», А. Қодирийнинг «Калвак Маҳзумнинг хотира дафтаридан», «Тошпўлат тажанг нима дейди» ва бошқа насрий асарларнинг жанри ҳар хил белгиланиб келинар эди.

Бу асарларнинг жанрини белгилашда А. Аброров муаллифларнинг жанрга бўлган муносабатларини назарда тутиб, уларнинг ички моҳиятидан, сюжет йўналишидан, образлар системасидан, қисқаси, ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Натижада, «Ҳалвар Маҳзумнинг хотира дафтаридан» (А. Қодирий) асарларида повесть жанрига хос хусусиятлар устунлиги уларни бу жанрга киритиш мумкинлигига ўқувчини ишонтиради.

Агар 20.йилларда повесть жанри туғилган бўлса, унинг дастлабки намуналари яратилган бўлса, 30.йилларда бу жанрнинг нисбатан етук намуналари яратилди. Шу йилларда кўплаб ўзбек ёзувчилари совет повестининг тараққиёт йўлини белгилаб берган юқоридаги асарлар қоғавий-бадиий жиҳатдан таҳлил этилган.

А. Аброров бу асарларни таҳлил этишда кенг маънодаги қиёслаш усулини қўллаган. У ўзбек ёзувчиларининг социалистик реализм методи принципларини, повесть жанрининг ички «сир»ларини эгаллашдаги маҳоратларини очишда фақат уларни бир-бири билан қиёслабгина қолмай, рус, тожик, қирғиз, қозоқ адибларининг 30-йилларда яратган повестлари билан ҳам таққослаган. Натижада, ўзбек совет адабиётида повесть жанрининг шаклланишига қайси адибнинг қай даража ҳисса қўша олганлиги тўғри баҳоланган.

«Ўзбек повести» китобининг фазилатлари билан бирга айрим нуқсон ва камчиликлари ҳам бор. Фикримизча, монографияда повесть жанрининг спецификаси етарли даражада очилмаганга ўхшайди. Тўғри, асарда повестнинг ўзига хос табиатини очиш учун, унинг ҳикоя ва романдан фарқ этувчи белгиларини кўрсатишга кўп меҳнат қилинган. Муаллиф бошқа тадқиқотчиларга нисбатан повесть жанри назариясини анчагина дурустлашган. Лекин унинг айрим назарий фикрлари ҳали қиёмига етмаган кўринади. Бу ҳолни баъзи достонлар (Пўлқан шоирнинг «Ҳасан батран», «Комсомолка Ойтўти») ва романлар повесть жанрига киритилганлигида кўриш мумкин.

А. Қодирий ўзининг коллективлаштириш мавзундаги «Обид кетмон» номли асарини «колхоз ҳаётидан қисса» деб атайди. Баъзи адабиётшунослар бу асарни повесть, баъзилари роман жанрига киритадилар. А. Аброров «Обид кетмон»нинг жанрини белгилашда адабиёт. шунос Ю. Суровцевнинг «Роман ва замон» мақоласида айтилган қуйидаги фикрига суянади: «Сўнгги йиллар адабиётимиз тажрибаси жанрнинг повесть — роман каби ўзига хос гибридлашган тури пайдо бўла бошлаганини кўрсатади». У шу фикрга асосланиб, «Обид кетмон»да повесть ва романга хос хусусиятлар, белгилар қўшилиб чатишиб кетган, шунинг учун уни «повесть-роман» жанрига киритиш керак, дейди А. Аброров яна А. Қодирийнинг бу повестини ўзбек адабиётида повесть-роман жанрининг дастлабки намунаси деб қараш кераклигини таъкидлаб сўнг ёзади: «...сўнгги йилларда «повесть-роман»га хос бўлган талайгина асарлар яратилди; Шароф Рашидовнинг «Ғолиблар», Ойбекнинг «Нур қидириб» Одил Еқубовнинг «Эр бошига иш тушса», Жонрид Абдуллахоновнинг «Йўл», Улмас Умарбековнинг «Одам бўлиш қийин» каби асарлари назарда тутилса, мазкур жанрнинг тобора ривожланиб бораётганлиги, унинг истиқболи янада равшан бўлади.

Фараз қилайлик, агар Абдулла Қодирий ҳам, Ойбек ҳам, Шароф Рашидов ҳам юқорида санаб ўтилган асарларини «роман» деб атаганларида ҳозиргача ҳеч ким уни повесть деб даъво қилмаган бўлар ди. Аксинча, Одил Еқубов, Жонрид Абдуллахонов, Улмас Умарбеков ўз асарларини повесть деб номлаганларида, ҳалигача мазкур асарлар повесть жанрига қўшилиб саналар эди». (110—111-бетлар).

Бу масала ҳали мунозарали, кўпгина тортишувларга сабаб бўлиши турган гап. Лекин бизнинг фикримизча, адабиёт тарихида «повесть-роман» деган жанр бўлмаган ва бўлмайди ҳам.

Ўз повестини қайта ишлаб, уни романга айлантириш — бу бошқа масала. Масалан, атоқли адибимиз Ш. Рашидов ҳам «Ғолиблар» повестини қайта ишлаб, унга ўндан ортиқ янги боблар қўшиб, уни романга айлантирди.

«Ўзбек повести» китобида таҳрир талаб кўпгина жумлалар, бир маъ. нони ифодалайдиган қайтариқ фикрлар ҳам учраб туради.

Хулоса қилиб айтганда, «Ўзбек повести» адабиётшунослигимизда повесть жанрига бағишланган монографик характердаги илк илмий иш. Унинг муаллифи ўз олдига қўйган асосий мақсади — ўзбек совет адабиётида повесть жанрининг туғилиши ва шаклланиш жараёнини кўрсатишга эриша олган. Шунинг учун ҳам, уни ўзбек адабиётшунослигига қўшилган яхшигина ҳисса, деб бемалол баҳолаш мумкин.

Адабиётшунос олим А. Аброров ўз монографиясини давом эттиради, яъни адабиётимизнинг кейинги этапларида яратилган повестларни ҳам таҳлил этиб, бу жанрнинг ривожланиш тенденцияларини, камолатини тадқиқ этади, деган умиддамиз.

Босим САЙИМОВ,
Мурод ИБРОҲИМОВ,
филология фанлари нандидатлари.

* А. Аброров. Ўзбек повести, ЎзССР «ФАН» нашриёти, Т., 1973 й. Масъул муҳаррир-филология фанлари доктори С. Мирвалиев.

◆ *Олий ўқув юртларида*

МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

Шу кунларда олий ўқув юртларининг сиртқи бўлимларида ёзги ўқув қизғин давом этаяпти. Низомий номли Давлат педагогика институтида 1300 дан ортиқ ишчи ёшлар ўқишмоқда. Куни-кеча шу институтнинг филология факультети студентлари таниқли ёзувчи Ҳамид Ғулом билан учрашув ўтказдилар.

Ёзувчининг баракали ижоди ҳақида шоир ва олимлардан Ўткир Рашид, Н. Худойбергенов, П. Шермуҳамедов, Т. Бобоев ва бошқа ўртоқлар сўзлаб бердилар.

Учрашув охирида Ҳамид Ғулом ўзининг ижодий режалари ҳақида гапирди ва шеърий асарларидан намуналар ўқиб берди.

М. СУЛТОНОВА.

БИЧИШ—ТИКИШНИ ЎРГАНИНГ

Шаҳримиздаги С. М. Киров номли Маданият уйида ишлаб турган бичиш-тикиш тўгарагини 35 чевар қиз битириб чиқди. Бу тўгаракда 90 ёш чевар бўлиб, булар 3 группада бичиш-тикишни ўрганишмоқда. Тажрибали мутахассис ўқитувчи Нури опа Мирҳамидова кўпдан бери бу Маданият уйида ёш чеварларга раҳбарлик қилиб келяпти.

Тўгаракни битирган қизлар ўзлари тиккан буюмлардан кўргазма ташкил этиб, имтиҳон олдидан намойиш қилдилар. Чеварлардан Ш. Мирзааҳмедова, К. Холматова, М. Валиева, Ш. Маҳкамова, З. Нўлдошева, Т. Шоқосимова, М. Шомаҳмудова ва бошқалар бичиш-тикиш тўгарагини аъло тугатдилар. Бу чеварлар икки йил давомида яхши тикувчи бўлиб етишишди. Ҳозир Маданият уйида ёш чеварлар ўқувга қабул қилинмоқда.

А. ТАРТАУЛОВ,
методист.

Уругвайдаги аҳвол

БУЭНОС—АЙРЕС. Уругвай меҳнаткашлари миллий конвенти президент Бордаберри ҳукумати конституция гарантияларини бузганлиги ва касаба союз фаолиятини таъқиқлаганлигига қарши норозилик билдириб ўз чақириғи билан икки ҳафтадан зиёд аввал эълон қилган ялпи забастовкани тўхтатишга қарор қилди. Миллий конвент баёнотига кўра, забастовка умумхалқ ҳаракатининг қудратини намойиш қилиб, ҳукуматни омма талабларига қулоқ солишга мажбур этиб, ўз вазифасини бажарганлиги туфайли забастовка тўхтатилган.

Халқ оммасининг қатъий ҳаракатлари таъзиқи остида ҳукумрон доиралар амалда миллий конвент вакиллари билан кенг фронт ва миллий партия вакиллари билан музокара бошлашга мажбур бўлдилар. Чет эл информация агентликларининг маълумотларига кўра, Уругвайда ситачилар махсус комиссияси ишлай бошлади. Бу комиссия ҳукумат доиралари ва вакиллари ҳамда ишчилар ҳолатда иш тутаётган ва муҳожирликда бўлган мамлакатда конституция гарантияларини тиклаш ҳаракатининг раҳбарлари билан музокаралар олиб бораяпти.

САВДО-СОТИҚНИ КУЧАЙТИРИШ ЎЧУН

ЧИКАГО, Совет—Америка амалий ҳамкорлигини кенгайтиришни ёқлаб чиқаётган Америка бизнесменларининг сони ортиб бормоқда. Улар КПСС Марказий Комитети Бош Секретари Л. И. Брежневнинг яқинда АҚШга қилган визити ҳар иккала мамлакат ўртасида ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга яхши таъсир кўрсатди, деган фикрни изҳор қилмоқдалар.

«Борг—уорнер корпорейшн»нинг президенти Жеймс Бэрей КПСС Марказий Комитети Бош Секретарининг Вашингтонда Америка савдо-саноат доираларининг вакиллари билан учрашувида қатнашган эди. Жеймс Бэрей қуйидагиларни айтди: Л. И. Брежнев ишонтира билиши, очиқ кўнгиллиги, ростгўйлиги, ҳазил—мутойибаси билан менда кучли таассурот қолдирди. Л. И. Брежнев совуқ уруш даври муаммолари мамлакатларимиз ўртасида яхши муносабатлар ўрнатишга ҳалақит берганлигини рўйрост айтди.

Корпорациянинг Чикагодаги қароргоҳида Ж. Бэрей ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: Л. И. Брежневнинг АҚШга қилган визити СССР билан АҚШ ўртасидаги савдо-сотиқни кенгайтириш учун қулай вазият вужудга келтиришга ёрдам берди. Эндликда биз, деди у, мавжуд имкониятлардан амалий фойдаланиш билан шуғулланишимиз керак. Америка бизнесменлари Совет Иттифоқи билан АҚШнинг бир-бирларига кўп нарса таклиф этишлари мумкин эканлигини тушуниб олмоқдалар. Келажакда савдо-сотиқ имкониятлари кескиндир. Савдо-сотиқ шубҳасиз, ўзаро ва тамомила тенглик асосида олиб борилиши лозим.

Президент суҳбатнинг охирида қуйидагиларни айтди: Л. И. Брежнев Америка бизнесменлари билан учрашув вақтида АҚШ билан амалий алоқалар ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни яхшилаш жараёнига ёрдам беради, деб умид билдирган эди. Менинг компаниям ана шу умидга конкрет ишлар билан жавоб беришга ҳаракат қилади.

В. ЧЕРНИШЕВ.

Польша кинематографчилари режиссёр Ежи Гоффман раҳбарлигида поляк адабиётининг классиги Генрик Сенкевичнинг «Тошқин» романи асосида янги фильм яратмоқдалар. Бу тўрт серияли фильм картина муаллифларининг фикрига кўра катта миллий эпопея бўлиши керак.

СУРАТДА: фильмдан кадр. Полковник Володиевский— артист Тадеуш Ломницкий ва хорунжий Анжей Кмицица — артист Даниэль Ольбрихский.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

ХАЛҚ МАОРИФИНИНГ ЯНГИ СИСТЕМАСИ

ЛИМА, Перулик мактаб ўқувчиларининг қишки каникуллари тугади. 4 миллионга яқин бола мамлакатнинг бошланғич ва ўрта мактабларида машғулотларни бошлашди. Бу — халқ маорифининг янги системаси жорий этилгунгача бўлган 1970 йилдагига нисбатан ярим миллиондан зиёд кўпдир. Хуан Веласко Альварадо ҳукумати халқ маорифининг ана шу системасини ишлаб чиқди ва амалга оширмоқда. Бу система перулик болаларни ўқув жараёнига тўлиқ жалб қилишни кўзда тутади ва беш йилга мўлжалланган, таълимнинг бу системаси саводсизликни тугатиш юзасидан мамлакатда ўтказилаётган кампаниянинг бир қисмидир.

⊙ АПН хабарлари

НОДИР РАСМЛАРНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ ЎЧУН

Американинг Пенсакола шаҳридаги (Флорида штати) коллекционерлар санъат асарларининг ўғирлашлар тобора авж олаётганидан ташвишланиб ўзларининг қимматбаҳо нарсаларини ўғрилардан сақлаб қолишнинг жуда оригинал усулини топдилар: улар бадиий коллекцияларни эски шаҳар қамоқхонасининг... биносига жойлаштирдилар. Унинг қалин деворлари ва салмоқдор панжарали деразалари расм ва ҳайкалларни ёвуз ниятли кишилардан яхши сақлаб қоляпти. Музей—қамоқхона ташкил топганидан бўён бу ерда тунги соқчилар бўлмаса ҳам бирон ҳодиса рўй бергани йўқ. Директор Хендрик Лангерак эса кечқурун уйига кетаётиб эски замондан қолган уч катта металл эшикни беркитади, холос.

Бу фавқулодда музейнинг «ишончли» эканлигини билган АҚШнинг кўпгина йирик музейлари ўз коллекцияларини бажонидил виставка берадилар. Пенсаколадаги «панжара» кетида мисол учун Роденнинг 28 ҳайкалини, қадимги испан усталарининг бой расмлар йиғиндисини кўриш мумкин. Буюк испанлар яратган расмлар орасида Веласкеснинг олти миллион долларга баҳоланган бир расми ҳам бор.

РИНГДА БОКСЧИНИНГ ХОТИНИ

«Мусобақа бошланишдан олдин мен сал диққат бўлдим. Лекин кейинчалик ўзимни қўлга олдим, бонг чалинганда асабларим ўз жойида эди, — деб ҳикоя қилади панамалик Эмма де Уррунага. Яқинда бу 26 яшар аёл Панама чемпиони Р. Дюран билан австралиялик Г. Томпсон ўртасида бокс бўйича бўлиб ўтган халқаро учрашувда судьялик қилди.

Ассоциэйтед Пресс агентлигининг хабар қилишича, жаҳонда бокс бўйича ҳамма бўлиб олти нафаргина аёл профессионал судья бор. Уррунага спортнинг бу тури бўйича халқаро мусобақаларда судья бўлишга эришган биринчи аёлдир.

Эмада боксга бўлган муҳаббатни унинг эри—Панаманинг собиқ чемпиони уйғотган эди. Эма де Уррунагадан рингга эрингиз чиққанида ўзингизни қандай ҳис қиласиз деб сўраганларида у: «менга ишқивозларнинг эҳтироси таниш эмас. Мен олишувга рингга ким — эримми ёки бошқа боксчими бўлишидан қатъий назар судьялар кўзи билан қараймаман, — деб изоҳ беради у, — мен эримнинг йўл қўйган хатоларини эслаб қолиш учун ҳаракат қиламан. Уйда эса унинг ўрнида бўлсам қандай ҳаракат қилишимни гапириб бераман. У менинг сўзимга қулоқ солганида иккинчи мусобақада муваффақиятга эришади. Агар у менинг маслаҳатларимни писанд қилмаса мағлубиятга учрайди.

САККИЗОЁҚНИНГ ОҚЛАНИШИ

Кишиларнинг саккизоёқларни ёвуз жониворлар қаторига қўшиши ҳақиқатга тўғри келмайди деб ҳисоблайди Франциянинг океанограф олими Жак Ив Кусто.

Виктор Гюго ва Жюль Верн ўз романларида саккизоёқлар сувга шўнғувчиларни еб қўядиган ёки бутун бир кемани денгиз тагига олиб кетаоладиган баҳайбат ғаройиб маҳлуқ деб тасвирлашларига қарамай, — деди у, — саккизоёқлар аслида тортинчоқ, ўйноқи, олий даражда тушунчали жониворлардир, агар имконияти бўлса у ўзини сизга нисбатан жуда дўстона тутади.

Ўз кўркамлиги, келишганлиги ва эпчиллиги билан ажойиб жонивор бўлган саккизоёқларга нисбатан бўлаётган таассублар бизнинг ҳеч нарсани билмаслигимизга асосланган, — деб ҳисоблайди кўп ойлар давомида саккизоёқларни кузатган олим ва «биз уларни билмаймиз. тушунмаймиз, шу сабабли бадном қиламиз» деган хулоса чиқаради.

Шу муносабат билан Жак Ив Кусто саккизоёқ ўз заҳри билан одамни ўлдирган бирон ҳодиса маълум эмас, сувда сузувчи учун мутлақо зарарсиз бўлган сиёқ рангидаги ҳимоя булутини эса у ўзи учун хавф туғилгандагина чиқаради.

Саккизоёқлар беҳад синчков жониворлардир. Улар аквалангистларни ўз чангаллари билан аввайлаб қучоқлаганларича қўлларидан овқат оладилар.

ОЗИМКАДА ЯНЛАРНИНГ ҲИСОБИ ЙЎҚ

Польшанинг Озимка шаҳри ва унинг атрофидаги оилаларда ўғил болаларга анъана бўйича оталарининг исмини қўядилар. Мисол учун маҳаллий «Малапонев» комбинатида Питл фамилияли 17 нафар Ян ишлайди. Бу эса кўп ҳолларда ҳар хил англашилмовчилик ва ташвишлар келтириб чиқаряпти. Ишдаги ўртоқлари бунинг ложини топишди — улар Янларни номерлаб чиқдилар. Хўш кадрлар бўлими нима қилиши керак? Ҳозиргача ўнда Питлларни туғилган йили ва белгиларига қараб ажратадилар. Заводга худди ўша куни туғилган яна икки Ян келиб қолса унда нима қилса бўлар экан?

● *Осиё ва Африка ёзувчилари Олмаота конференцияси олдидан*

Р. ТАГОР.

(РОМАНДАН ПАРЧА)

Дунёга нима хилофу, нима мувофиқлиги ҳақида вазирнинг белгили бир фикри йўқ эди. Лекин у подшоҳ ўйлагандан кўра муғомбирроқ эди. Вазир яхши биларди-ки, унинг ҳозирги қатъиятсизлиги подшоҳнинг ғазабини келтирса ҳам, охир оқибат у бундан рози бўлади. Бордию у дарров рози бўлса, бу подшоҳда шубҳа туғдиради.

— Мен сизга фақат Деҳли подшоҳи даргазаб бўларминан деб айтмоқчи эдим холос.

— Даргазаб бўлади? Ғазабланишга ҳар кимнинг ҳаққи бор. Мен Деҳли подшоҳига қарам эмасман! Тўғри, шундай одамлар борки, унинг ғазабидан ларзага келишади, чунончи: Мен Сингх, Бирбал* ва бизнинг Бошоқто Рай шулар жумласидандир. Ҳозир эса, назаримда сен ҳам ваҳимага тушган кўринасан. Бироқ, ҳаммани ўзингдай ўйлама.

— Сизнинг рухсатингиз билан, шаҳаншоҳим, — вазир кулимсираб қўйди, — ғазабнинг ўзи унча қўрқинчли эмас, аммо унинг орқасида ўткир қилич яширинган бўлса, бу ерда анқишага эҳтиёж бор. Деҳли подшоҳининг ғазабига келсан — бу эллик минг кишилик қўшин демакдир.

Протопадитто нима дейишини билмай қолди.

— Назаримда, Деҳли подшоҳидан қўрқиб, мени ўз аҳдимдан қайтаришга урининяпсан, шекилли. Билиб қўй, вазир, мен буни таҳқирлаш деб биламан.

— Бу сир ошкор бўлса халқ нима дейди?

— У қаердан билади?

— Буни сир тутиб бўлмайди. Бошонто Райнинг ўлдирилгани ҳақидаги хабар мамлакатга ёйилиши билан бутун Бенгалия сизга қарши оёққа туради. Унда сиз ўйлаган муддаонинг акси бўлиб чиқади. Аввало сизни кастадан чиқаришади, бундан ташқари яна кўп хўрликларга гирифтор бўлишингиз мумкин.

— Сенга такрор айтаманки, ҳамма нарсани ўйлаб қилаяпман, бинобарин, мени қўрқитамаш деб овора бўлма. Мен гўдак эмасман. Сўнгра шуни ҳам эсда тутки, мен сени ўз оёғимга кишан бўл, деб вазир қилганим йўқ.

Вазир хомуш бўлди. У инки қоидага риоя қилиши лозимлигини биларди: биринчи, подшоҳнинг раъйига хилоф бўлса ҳам, ўз фикрини айтиш, иккинчидан, ҳукмдорни ўз фикридан қайтармаслик, чунки бу ҳамиша ҳам рўёбга чиқмайдиган мушкул масала.

— Шаҳаншоҳим, — яна такрорлади вазир, — ахир Деҳли подшоҳи...

Шунда Протопадитто баттар даргазаб бўлиб бақирди:

— Яна Деҳли подшоҳи! Агар сен кунига Деҳли подшоҳи ўрнига парвардигорнинг номини тилга олганингда қайта туғилишингни* таъмин этган бўлардинг. Билиб қўй, ўйлаган ниятимга етмагунча Деҳли подшоҳи ҳақида эшитишни истамаймаш! Менэ, кечқурун, ҳаммаси тинчлик билан об-соб бўлганини эшитганингдан сўнг, келиб ўзингни овунтир, ўзинг ихлос қўйган авлиёларнинг руҳ-арвоҳларига мурожаат қил. Аммо унгача бардош беришинг керак.

Вазир бироз хомушликдан сўнг яна бир далил келтирди:

— Шаҳаншоҳим, шаҳзода Удоядитто...

— Мана энди мени хотининнинг кавушини ялаб юрган боладан қўрқитмоқчимисан?

— Шоҳим, бу гал ҳам саҳв этдилар. Мен умуман сизни чўчитмоқчи эмасман.

— Ундай бўлса, муддаонгни айт! — Энди бир оз юмшади ҳукмдор.

— Ўтган кеча ёш шаҳзода қаёққадир чиқиб кетган ва ҳозиргача дараги йўқ.

Протопадитто сергакланади.

— У қайси томонга йўл олибди?

— Шарқ томонга.

Протопадитто тишларини ғижирлатди.

— Қайси маҳалда?

— Ярим кечага яқин.

— Шрипур заминдорининг қизи ҳали ҳам шу ердами?

— Рухсатлари билан шу ерда.

— У отасиникида бўтулай қолиб кетса яна ҳам яхшироқ бўларди.

Вазир жавоб қилмади.

— Удоядитто ҳеч қачон шаҳзодага ўхшамасди, — давом этди Протопадитто. — Болалигидан у авомга қараб толпинди. Мендан шундай фарзанд пайдо бўлади деб ким ҳам ўйлабди? Шерваччага улғайгач шер бўл деб ўргатиладими? Фикримча, у бобосига — онасининг отасига тортди. Мен уни Шрипурдан уйлантиргач, йигит тамом йўлдан озди. Худодан бўлиб, кичик ўғлим менинг умидимни оқласинда, унда мен бу дунё билан видолашганда, бошлаган ишим охирига етказилади, деб хотиржам кўз юмган бўлардим. Демак, у ҳали қайтганича йўқ?

— Йўқ, шоҳим.

Протопадитто депсиниб қолди.

— Нега унга ҳеч ким ҳамроҳ бўлмади?

— Қоровуллардан бири ҳамроҳ бўлай деса, Удоядитто рухсат бермабди.

— Яширинча уни кузатиб бориш зарур эди.

— Ҳеч ким шубҳали бир нарса сезмаган.

— Шубҳали бир нарса! Эҳтимол қоровуллар тўғри қилган бей мени ишонтирмоқчи ҳам бўлларсан? Ҳар қандай беҳуда гапларга мени ишонтиришга уринма! Қоровуллар ўз бурчига бепарволик билан қарашган. Уша кунги дарвозабонларни менинг ҳузуримга чақир. Агар улар ўз эҳтиётсизликлари билан менинг режаларимни пучга чиқаришса, мен уларни нобуд этаман! Сенда ҳам бесаранжом бўладиган жиҳатлар йўқ эмас. Сен рўй берган воқеада ҳеч ким айбдор эмас, деб исбот қилмоқчисан, чоғи. Мана шунинг учун ўзинг жавобгарсан!

Протопадитто қоровулларга қиши юборди. Бироздан кейин жаҳл билан сўради:

— Сен Деҳли подшоҳи ҳақида нима дединг?

— Сизнинг тўғрингизда унга шиқоят қилишибди, деб эшитдим.

— Ким, сенинг ёш шаҳзоданг эмасми?

— О шаҳаншоҳим, ундай демасиннар... Бу кимнинг иши эканини мен аниқ билмадим.

— Бўпти, бу ҳақда кўп ўйлама. Деҳли подшоҳига мен ўзим судьялик қиламан, уни жазолашга қодирман... Юборилган кишилар ҳали ҳам қайтгани йўқми? Наҳотки Удоядитто ҳанузгача қайтмаган бўлса? Тезроқ қоровулларни чақир, қоровулларни!

УЧИНЧИ БОБ

Ёш шаҳзода эса, бу пайтда одамсиз йўллардан яшин тезлигида от қўйиб борарди. От туёқларининг овози гурсиллаб эшитиларди. Тун қороғи бўлса ҳам, қўрқинчли эмас, йўл тўғри ва хавфсиз. Қаердадир итлар акиллади. Хуркан шоқол бамбукзорга кириб яширинди. Йўлни осмондаги юлдузлар, дарахтлардаги ялтироқ қуртлар ёритиб турарди. Чигиртаналарнинг овози тиним билмайди. Қари бир дарахт остида мажолдан тойган гадой хотин нотинч уйқуда.

Шаҳзода беш крошча* от чоптириб келгандан сўнг, йўлни қўйиб далама-дала кетди. Энди эҳтиёт бўлиш керак: кундузи ёмғир ёғиб, ер жудаям бўкиб кетган, ҳориб қолган от ҳар қадамда ботиб, уч марта олдинги оёқлари билан чўккалаб қолди. Бурунлари кенг очилиб, тумшугини кўпик босди, бутун вужудига совун суркагандай бўлиб, хириллай бошлади.

Кечаси дим, шабада ҳам эсмайди. Манзил ҳали йироқ. Менэ ҳайдалган, сув босган далалар орқада қолиб кетди, шаҳзода эса, яна йўлга чиқиб олди. У отни бўш қўйиб чоптирди-да, ахён-ахёнда унга далда беріб, елкасига оҳиста-оҳиста урриб, эрналаб шивирлади: «Қани, Сугрив, қани...». От қалтираб, қулоқларини динг-айтирди, сўнгра эгасига маъюс боқиб, бўйнини гажак қилиб, кишнай бошлади. Начора? Рахм-шафқат вақти эмас, чоғи. Шўрлик от яна ўқдай учиб кетди. Йўлнинг икки тарафидаги дарахтларнинг новдалари ўсиб бирбирига чирмашиб кетганидан бош узра яшил соябон ҳосил бўлиб, теварак-атрофда ҳеч нарса кўринмасди. Удоядитто булар орасидан осмонга қараганда, юлдузлар унга, ёнгинасидан, фавқулодда тезлинда учиб ўтаётган олов учқунларидай туюлди, Тинибтинчиган ҳаво суръатнинг зўридан қулоқларда ҳуштак чаларди.

Субҳидамга бориб, қишлоқ аҳолисида шоқолларнинг улиганн эшитилди. Ёш шаҳзода Шимултоли бекатининг дарвозаси олдида тўхтади. Бу ерда унинг оти ҳолдан кетиб, йиқилган ҳамон жон берди. Шаҳзода унинг устига эгашиб, орқасини оҳиста силади ва бир неча бор:»... Сугрив... Сугрив...» деб чақирди, аммо от қимир этмади. Шаҳзода оғир хўрсиниб, дарвозага яқин бориб тақиллатди. Унга ҳеч ким эшикни очмади. У яна бир неча бор тақиллатди.

— Ҳой, кечасида тараддаётган ким? — деди бекат бошлиғи деразадан қуролланган йигитга кўзи тушиб,

— Очинг, сиздан баъзи нарсаларни билиб олишим керак, — илтимос қилди шаҳзода.

— Очишнинг нима ҳожати бор? — эътироз этди бошлиқ. — Сизга бирор нарса керак бўлса, гапираверинг.

Шунда йигит сўради:

— Райгор ҳокими Бошонто Рай шу ердами?

— Рухсатингиз билан, ростдан ҳам қош қорайганда у киши шу ерда бўлишлари лозим эди, аммо ҳанузгача дараклари бўлмади. Фикримча, бугун келмасалар керак.

Удоядитто икки танга олиб унга узатди.

— Мана, олинг буни.

Бошлиқ дарров эшикни очиб пулни олди. Шунда шаҳзода ундан илтимос қилди.

— Рухсат этинг, мен бир қарайчи, бекатингизда кимлар етибди экан?

— Бу мумкин эмас, жаноб, — деди бошлиқ ўзи ҳам ишонқирамай.

(ДАВОМИ БОР).

* Мен Сингх ва Бирбал — машҳур ҳинд подшоҳи Акбарнинг лашкарбошилари.

* Ҳиндларнинг эътиқодича, бадан ўлса ҳам руҳ ўлмайди, бу дунёдаги савоб-гуноҳ ишларига қараб ё одам, ё бирор жонивор қиёфасида қайта туғилади.

* Крош — тахминан тўрт километрга тенг узунлик ўлчови.

(ДАВОМИ. Боши газетанинг 163 ва 164-сонларида).



«Ғалаба» истироҳат боғидаги автодром аттракциони ҳамиша болалар билан гавжум.

М. Нуриддинов фотоси.

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

◆ Совуқ овқатдан сўнг иссиқ, иссиқ овқатдан сўнг дарров совуқ овқат истеъмол қилманг, бу тишга қаттиқ зарар қилади.

◆ Болани тиш ювишга ўргатишга дастлаб тишни порошоксиз ювдириш керак, чунки тиш порошоги боланинг нафас йўлига кетиб қолиб, уни йўталтириши мумкин.

◆ Тиш ювадиган чўтка юмшоқ, боланинг оғзига лойиқ бўлиши шарт, акс ҳолда унинг лунж, милк пардаларини жароҳатлаши, тиш, эмаль қаватини сийқалаши мумкин.

◆ Тиш протези бор ўсмирлар 18—20 ёшгача вақтивақти билан стоматолог врачга учраши керак, чунки организм ўсиб, ўзгарганда протезни ҳам алмаштириш лозим.

ГАИ БЮЛЛЕТЕНИ

Маълумотларга назар ташлаб

Ҳозирги пайтда ҳар бир йўловчи катта кўчаларда транспорт ҳаракати мураккаблашиб бораётганлиги, кўчаларни кесиб ўтиш жуда ҳам қалтис бўлиб қолганлигини яққол сезиб турибди. Бундай машаққатлардан қутулишнинг бирдан-бир йўли жуда ҳам қатъий интизом, нўча ҳаракати қоидаларини тўла-тўкис билиш ва унга риоя қилишдир.

Лекин кўчаларда юз бераётган ҳодисаларни синчиклаб ўрганадиган бўлсак, ҳайдовчилар ҳам, йўловчилар ҳам бир-бирларига йўл бўшатмасдан, бир-бирларини ҳурмат қилмаётирлар. Ўтган йилнинг биринчи ярми бўйича статистика маълумотларини бу йилнинг биринчи ярмида содир бўлган ҳодисаларга солиштирадиган бўлсак, кўчаларда ҳаракат бузилиш ҳоллари кўпайиб бораётганлигини кўриш мумкин.

Шу йилнинг ўтган олти ойида шаҳар кўчаларида 500 дан ортиқ ҳодисалар юз бериб, уларда 100 дан ортиқ киши ҳалок бўлди, 700 дан ортиқ киши майиб бўлди.

Бунинг сабаблари нимада? Биринчидан, ҳайдовчилар ва йўловчиларни масъулият ҳисси руҳида тарбиялаш лозимлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди. Шаҳарда метрополитен қурилиши муносабати билан, ўтиш йўллари бир мунча қисқарди. Натижада, бошқа ўтиш йўлларида ҳаракат оқими кўпайиб кетди. Лекин бу юз бераётган ҳодисаларни оқлаш учун ҳеч қандай сабаб бўлмаслиги лозим.

Яна статистика маълумотларига мурожаат қилайлик. Шаҳарнинг йирик магистрал йўлларида ҳаракат оқими кўпайган сари, ҳодисаларнинг юз бериши камайиб бормоқда. Масалан: Шота Руставели, Муқимий, шаҳар ҳалқа йўли, Луначарск ва Халқлар дўстлиги кўчаларида ҳодисалар юз бериш камайди. Энгельс, Ғафур Ғулом, Навоий кўчаларида ҳаракат қоидаларининг бир меъёрда бориши диққатга сазовордир. Йўл транспорт ҳодисаларини тахлил қилиш натижасида қизиқ маълумотларнинг гувоҳи бўлиш мумкин. Йўл ҳодисаларининг кўпайиб боришида асосан хусусий транспорт эгаларининг кўпчилиги сабабчи бўлмоқдалар. Улар автомобиллари, мопедлари, мотоциклари, велосипедлари билан ҳаракат қоидаларини узлуксиз равишда бузмоқдалар.

Ҳаммамизга маълумки, шу йилдан бошлаб янги йўл ҳаракати қоидалари тадбиқ қилинди. Бу янги тартиб қаётга жорий қилина бошлаганида барча автомобиль хўжаликларида ҳайдовчиларни ана шу қоидаларга ўргатишга қарор қилинган эди. Аслини олганда, бу иш дуруст бажарилди. Лекин, хусусий транспорти бўлган ҳайдовчилар махсус ўқишга жалб қилинмадилар. Улар газеталарда ёритилган материаллар, телевидение орқали берилган кўрсатувлар билан танишишдан нарига ўтмадилар.

Марказий «Юбилей» спорт залида янги кўча ҳаракати қоидаларига бағишлаб нўргазмали машғулот ўтказилди. У «зангори экран» орқали икки марта намойиш қилиниб, ҳайдовчилар ўртасида жуда катта қизиқиш уйғотди. Олиб борилган ана шу тадбирларга қарамай, айрим хусусий транспорти бўлган ҳайдовчилар, ҳаракат қоидаларини тўла-тўкис эгаллаб олганлари йўқ. Бу камчилик айниқса чорраҳаларда, ҳалқа йўлларда машиналар бир-бирини қуриб ўтаётганда сезилиб қолмоқда.

Трамвай ҳайдовчилари ҳақида ҳам аччиқ гапларни айтиб ўтишга тўғри келади. Бир қатор ҳайдовчиларнинг интизоми бўш. Улар ҳаракат оқимини синчиклаб кузатиш ўрнига, йўловчиларга қўпол муомала қиладилар, ўз кабиналарига бегона кишиларни қўядилар, трамвай юриб бораётганда пул майдалаш билан овора бўладилар. Ана шундай пайтларда ҳодисалар табиий равишда келиб чиқаверади.

Ўтган олти ой мобайнида шаҳар кўчаларида 20 га яқин бола ҳалок бўлди. Улар ҳаракат қоидаларини билмасликлари, ота-оналар ўз норасидаларига бепарво бўлганликлари оқибатида бу болалар нобуд бўлдилар. Юқорида келтирилган маълумотлар шу нарсани кўрсатмоқдаки, ўрта мактабларда ҳаракат қоидаларини ўқитиш ва ўргатиш ишлари хўжанўрсинга бўляпти.

Транспорт тезлигини белгиланган нормадан ошириб юбориш, маст ҳолда рулга ўтириш оқибатида ҳам кўнгилсиз ҳодисалар юз бермоқда. Кўчаларда юз берган ҳодисаларнинг 171 тасида ҳаракат тезлиги меъёридан ошириб юборилган. Кўпгина ҳайдовчилар шаҳар кўчаларида соатига 60 километрдан йўл босиш қоидасига риоя қилмайдилар. Шоферларнинг маст ҳолда рулга ўтиришлари натижасида, шу йилнинг ўтган ойи ичида 11 киши ҳалок бўлди, 70 киши жароҳатланди.

Шаҳар кўчаларида машиналар оқими ҳамон кўпайиб бормоқда. Транспорт ҳаракатининг кўнгилдагидек бўлиши учун биринчи навбатда ҳайдовчи ва йўловчидан интизомли бўлиш, ҳаракат қоидаларини тўла ўрганиб олиш ва унга тўла риоя қилиш талаб қилинади.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17|VII да Алжонларим, 18|VII да Мирзо Улуғбек.

Кино

17 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

Қора шаҳзода — «ЧАЙКА», «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), ҲАМЗА номли, «СПУТНИК» (тоқ соатларда) «МОСКВА» (кечқурун).

Умидимиз денгизи — «СПУТНИК» (жуфт соатларда кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН» (19.00, 21.00).

Қорақум қўйнида — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда, кечқурун), НАВОИЙ номли (22.00);

Катта сайр — (17.00, 20.00), **Испан қизлари Парижда** (кечқурун), «ДРУЖБА».

Мангу севги — САНЪАТ САРОЙИ (кечқурун).

Том Жонс — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда, кечқурун);

Текумзе — «КЎКЧА» (тоқ соатларда кечқурун);

Анжелика ва қирол (2 серия — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (21.30);

Филлар — менинг дўстларим — (2 серия) — НАВОИЙ номли (19.00).

ЕЗГИ БИНОДА

Қора шаҳзода — «ФЕСТИВАЛЬ»; ТЕЛЬМАН номли;

Қорақум қўйнида — «ХИВА».

Ушалмаган орзулар — «РАКЕТА»;

Одиссей саргузашти — КИРОВ номли.

18 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

Қора шаҳзода — «ЧАЙКА», «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Умидимиз денгизи — «СПУТНИК», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

Катта сайр (11.00, 14.00, 17.00, 20.00), **Испан қизлари Парижда** (кундуз ва кечқурун); — «ДРУЖБА».

Мангу севги — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Тошдаги достон — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Эрамиздан миллион йил илгари — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун).

Зулмат ичра юлдуз — «КЎКЧА» (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун).

Филлар — менинг дўстларим (12.30, 16.00, 19.00), **Қорақум қўйнида** (10.30, 22.00); НАВОИЙ номли.

Ҳалқа — ҲАМЗА номли (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун).

Анжелика ва қирол (2 серия) — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (21.30);

ЕЗГИ БИНОДА

Ови юриб, дови юрмаганлар — «РАКЕТА».

Онтарио бўйидаги саргузаштлар; Прерия — КИРОВ номли.

Қора шаҳзода — «ФЕСТИВАЛЬ»;

Қорақум қўйнида — «ХИВА».

Қидирув менга топширилган — ТЕЛЬМАН номли.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ «БОЛАЛАР ДУНЕСИ» УНИВЕРМАГИ

болалар муассасаларига кенг кўламда ўйинчоқлар сотишни

ТАШКИЛ ҚИЛДИ

Ўйинчоқлар ҳақи — пул ўтказиш йўли билан тўланади.

САВДОДА: «Ёш техник» наборлари: ҳар турли конструкторлик, қурилиш наборлари, асбоблар, авиа-моделлар; ҳар хил қўғирчоқлар, пластмасса, пуфланадиган резина ўйинчоқлар, формали, металл, транспорт, бураб юргизиладиган, электр, ёғоч, музика ўйинчоқлари, стол устида ўйналадиган ўйинчоқларнинг хилма-хил турлари мавжуд.

МАГАЗИННИМИЗГА МАРҲАМАТ!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ МАОРИФИ БЎЛИМИ

эълон қиладики,

алоҳида фанлар чуқур ўрганиладиган

9-СИНФЛАРГА

1973-74 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

қуйидаги мактабларга

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Киров райони бўйича физика ва математиканн чуқур ўрганиладиган 50-мактаб (ўқиш рус тилида олиб борилади).

Октябрь райони бўйича физика ва математиканн чуқур ўрганиладиган 115-мактаб (ўқиш ўзбек тилида олиб борилади).

40, 73, 110, 140-мактабларда физиканн чуқур ўрганиладиган синфлар;

89, 111-мактабларда химиянн чуқур ўрганиладиган синфлар;

81, 101-мактабларда биологиянн чуқур ўрганиладиган синфлар;

163, 169-мактабларда адабиётнн чуқур ўрганиладиган синфлар;

5, 9-мактабларда тарихнн чуқур ўрганиладиган синфлар.

Шунингдек, математика чуқур ўрганиладиган 106, 110-мактаблар;

физика чуқур ўрганиладиган 110, 115, 140-мактабларнинг 8-синфларига ўқувчилар қабул қилинади.

Алоҳида фанларни чуқур ўрганиладиган синфлар ва мактабларга махсус фан бўйича суҳбатдан ўтган ўқувчилар қабул қилинади.

ҚАБУЛ ҲАҚИДАГИ АРИЗА МАКТАБ ДИРЕКТОРИ НОМИГА МАЪЛУМОТ ТУҒРИСИДАГИ ҲУЖЖАТ ИЛОВА ҚИЛИНГАН ҲОЛДА БЕРИЛАДИ.

Аризаларни қабул қилиш давом этмоқда.

Телевизор

17 ИЮЛЬ Сешанба

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 17.50 «Марек Пегуснинг ғаройиб саргузаштлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. (Польша), 2-серия. 18.15 Шеърият. **Тошкент кўрсатади.** 18.30 Кўрсатувлар программаси. 18.35 Телевизион қўғирчоқ театри (ўзбек тилида). 19.05 Болалар учун мультфильм. (рус тилида), **Москва кўрсатади.** 19.15 Халқаро панорама. **Тошкент кўрсатади.** 19.45 «Ахборот» информацион программаси (рус тилида). **Узбек тилида.** 20.00 Рангли телевидение. Ҳужжатли фильмлар экрани. 20.55 Ўн минут музика. 21.05 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 Халқ талантлари. Абдулатиф Ҳолдоров. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида.** 22.30 Қишлоқ хўжалиги билимлари: телевизион халқ университети. 23.00 «Эстрада шинавандалари, сизлар учун!». Концерт.

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 18.30 Рангли телевидение. Ёш ижрочилар концерти. **Тошкент кўрсатади.** 19.15 «Прогресс» программаси (рус тилида). **Москва кўрсатади.** 19.45 Кубан қозоқ хори концертидаги учрашувлар. 20.55 «Чорсанглик тўртовлон». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 «Андрей Иванов лирикаси» (рус тилида). **Москва кўрсатади.** 22.30 «Ваконидил». Эстония ГРЭСи қурувчилари билан учрашув. 00.15 Кўрсатувлар программаси. 00.20 Москва кўрсатувларининг охири.

Учинчи программа. 19.00 дан Тошкент кўрсатади.

18 ИЮЛЬ Чоршанба

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 12.30 Кўрсатувлар программаси. 12.35 Янгиликлар. 12.45 «Чорсанглик тўртовлон». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 13.50 СССР Олий Совети депутатлари ҳикоя қиладилар. 14.00 Болалар учун. «Агния Барто шеърлари». Театрлаштирилган кўрсатув. 14.35 «Баракалла». Ёшлар спорт программаси. 16.15 Кўрсатувлар программаси. 16.20 Янгиликлар. 16.30 Рангли телевидение. «Безаклар». 17.00 Рангли телевидение. Болалар учун мультипликацион фильмлар программаси. 17.30 РСДРП II съезднинг 70 йиллигига. В. И. Ленин Марказий музейидан репортаж. 18.00 Болалар учун. «Марек Пегуснинг ғаройиб саргузаштлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. (Польша). 3-серия **Тошкент кўрсатади.** 18.30 Кўрсатувлар программаси. 18.35 «Қизил галстук». Телевизион журнал (ўзбек тилида). **Рус тилида.** 19.05 «Беш йилликнинг учинчи йили». 19.25 «Ахборот» информацион программаси. **Узбек тилида.** 19.40 Рангли телевидение. «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.40 Адабий театр. Мақсуд Шайхзода. «Ҳиёбон». 21.00 Ўн минут музика. 21.10 «Ахборот» информацион программаси. 21.30 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистка Р. Юсупова куйлайди. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. СССР Олий Совети сессиясида. **Тошкент кўрсатади.** 22.30 Рангли телевидение. «Чашма». Халқ ашула ва рақс ансамбларининг телевизион конкурси (такрорий кўрсатув).

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 10.55 Кўрсатувлар программаси. **Узбек тилида.** 11.00 «Қувноқлар даврасида». 11.30 «Қилич ва қалқон». Бадиий фильм. 1-серия. **Москва кўрсатади.** 18.30 Рангли телевидение. Оперетта ишқибозлари, сизлар учун. 19.00 Ҳужжатли фильм. 19.10 Польша телевиденнеси программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 «Инсон ва қонун (рус тилида).

Учинчи программа. 19.00 дан Тошкент кўрсатади.

Радио

17 ИЮЛЬ Сешанба

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 Москва. 18.40 Спорт эшиттириши. 19.20 Қорақалпоқ куйлари. 20.00 «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. 20.40 Эстрада қўшиқлари. 21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.00 Москва. 22.28 Рақс куйлари. 22.40 «Эллик йилдан — эллик ҳикоя». Ойдин. «Дўндиқдан ҳам ёш экан» (ўзбекча). 23.10 Дам олиш концерти. 00.10 Тунги музикали программа.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 «Бир қиз ва бир қадах». Ҳинд адибаси А. Притаминнинг ҳикояси асосида радиопостановка (ўзбекча). 19.30 Тошкент области меҳнаткашлари учун эшиттириш. «Беш йиллик вахтасида». 20.00 «Оламда ним гап?». (тожикча). 20.10 Тожик композиторларининг қўшиқлари. 20.30 Корейс куйлари. 21.00 «Ўзбекистон ёзувчиларининг янги асарлари». К. Волков. «Шуъла» романидан боб (русча). 21.40 И. Дунаевский қўшиқлари темасига фантазия.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 Д. Кабалевский. «Баҳор куйлайди» опереттасидан парчалар.

18 ИЮЛЬ Чоршанба

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. 7.40 Куйлардан куйларга. 8.25 М. Қориев шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 9.30 Москва. «Ер ва ой» радиожурнали. 10.10 С. Гажибеков. «Гулшан» балети асосида сюита. 11.15 РСДРП II съезднинг 70 йиллигига. «КПСС — жаҳон коммунистик ҳаракатининг синалган жанговар отряди». Тарих фанлари кандидати Р. Ражабова суҳбати (ўзбекча). 11.30 Халқ ҳофизлари концерти. 12.15 «Ўзбекистан индустриальний». «Ўстоз бўл». Қўқон «Текстильмаш» заводи фрезерчиси О. А. Монстирскийнинг чиқиши. 13.30 Кино куйлари. 16.10 «Ўзбекистон композиторлари ижодида тинчлик темаси». Музикали эшиттириш (ўзбекча). 16.50 «Правда» газетасининг обзори. 17.00 Партия ҳодими минбари. «Дала шийпонларида агитацион-оммавий иш» (русча). 17.30 Москва. «Рабочая радиогазета».

18.00 Москва. 18.40 Спорт эшиттириши. 20.00 Москва. «Юность» радиостанциясининг программаси. 21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 21.40 Москва. 22.28 Чангда Ф. Шукурова чалади. 22.40 Шеърият кечаси. В. Маяковский. «Жуда соз!» поэмасидан парчалар (ўзбекча). 23.10 Дам олиш концерти. 00.10 Тунги музикали программа.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Закавказье композиторларининг асарлари. 9.15 Реклама. 9.30 Ўзбекистон композиторларининг қўшиқ ва романслари. 10.00 Москва. 13.50 Тошкент области меҳнаткашлари учун эшиттириш. «Турли касб кишилари». 14.00 Москва. 17.40 Вальслар.

18.00 Москва. 19.00 Севги қўшиқлари. 19.30 Тошкент области меҳнаткашлари учун эшиттириш. «Чорвачилик — зарблор фронт». 20.00 Пахта далаларидан дараклар (тожикча). 20.10 Далада ишлаётганлар учун концерт. 20.30 Ўзбекистон телевиденнеси ва радиоси ходиминнинг концерти. 21.00 Қардош халқлар адабиёти. Озарбайжон ёзувчиси Х. Хосиловнинг «Тўй сарпоси» деган ҳикояси (ўзбекча). 21.40 Р. Мустофоев. «Партияга шон-шарафлар» кантатаси.

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ҳозирги пайтда шаҳарда қуруқ ўт ва ёғоч деворларнинг ёниб кетиш ҳоллари анча кўп содир бўлмоқда. Бундай ёнишлар кўпинча катта ҳажмда рўй бермоқда ҳамда ишлаб чиқариш, жамоат бинолари, қурилаётган бинолар ва турар жойларга хавф туғдирмоқда.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИНИНГ ЕНГИНДАН САҚЛАШ БЎЛИМИ ЁНГИН ЧИҚИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК ҲАМДА СОЦИАЛИСТИК МУЛКНИ ВА ГРАЖДАНЛАРНИНГ ШАХСИЙ МУЛКИНИ ЁНГИНДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МАҚСАДИДА ҚУЙИДАГИ ТАДБИРЛАРНИ КЎРИШНИ

ТАВСИЯ ЭТАДИ

Ишлаб чиқариш корхоналари, омборхоналар ва турар жой бинолари территорияларини қуруқ ўт, ахлат ва бошқа хил ёнадиган чиқиндилардан бутунлай тозалаш;

Кераксиз ва яроқсиз ёнадиган ёғоч деворларни бузиш ва ташиб кетиш;

Болаларнинг ўт билан ўйнашига йўл қўймаслик мақсадида улар ўртасида зарур тарбиявий ишлар олиб бориш.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИНИНГ ЕНГИНДАН САҚЛАШ БЎЛИМИ.

4 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 17 ИЮЛЬ, 1973 й.

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ГОРКОМА КП УЗБЕКИСТАНА И ТАШГОРСОВЕТА

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ТОШКЕНТ, ГСП, ДЗЕРЖИНСКИЙ КУЧАСИ, 15-УЙ.

ИНДЕКС 64579. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р—03520. Нашр В—2528.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор—33.02-49 дан 33.02-58 гача, Эълонлар бўлими—33-81-42.